

***O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI***  
***OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI***

***TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI***

***PEDAGOGIKA FAKULTETI***

***MUSIQA TA'LIMI VA TASVIRIY SAN'AT KAFEDRASI***



# **BITIRUV MALAKAVIY ISHI**

**“O'zbek xonandalik san'ati tarixi”**

**Xidirberdiyeva Ruqiya Ravshanovna**

**5111100-** Musiqa ta'lim yo'nalishi bakalavr darajasini olish uchun

**Ilmiy rahbar:**

**O.Azizov**

**TERMIZ-2017**

**Мавзу: “ЎЗБЕК ХОНАНДАЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ”.**

**МУНДАРИЖА**

<b>Кириш қисм.....</b>	<b>2</b>
<b>I-БОБ.Ўзбекистонда хонандалик санъатининг келиб чиқиш тарихи.....</b>	<b>5</b>
<b>1.1. Марказий Осиёда хонандалик ва бастакорлик санъати тарихи.....</b>	<b>5</b>
<b>1.2.Ўзбекистондаги ҳудудий хонандалик мактаблари ва хонандалик услубларини ўрганишнинг аҳамияти.....</b>	<b>14</b>
<b>II- БОБ,Миллий хонандалик санъати ривожланишида Тошкент-Фарғона қўшиқчилик услубларини ўрганишнинг аҳамияти.....</b>	<b>24</b>
<b>2.1. Тошкент-Фарғона хонандалик услублари.....</b>	<b>24</b>
<b>2.2.Тошкент-Фарғона хонандалик услуби намоянадалари ижодий фаолиятларининг аҳамияти.....</b>	<b>41</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>62</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>64</b>

## КИРИШ

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги.** Республикамиз таракқиётининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга ошираётганлиги билан характерланади. Табиийки, бу улкан вазифани ҳал этиш фуқораларимизнинг ижодий фаоллигини тинмай ошириб бориш ва камол топтириш билан узвий боғлиқдир. Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маънавият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоғлиқ илмийлиги, шунингдек, тўғри назарий ва амалий негизга қўйилганлиги билан боғлангандир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир. Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялшимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтгандек, адабиёт яшаса – миллат яшайди”.

Барчамизга аёнки, миллий куй – қўшиққа, санъатга муҳаббат мусиқа маданияти халқимизда болалиқдан бошлаб оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди.

Мусиқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган санъат туридир. Мусиқа тарбияси, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва кадрлашга

ўргатади. Мусиқа инсонни юксак дид билан қуроллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. Мусиқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва ғоявий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Миллий маданиятимиз бобоқалони Абу-Носир ал-Фаробий “Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир”, деган эди. Бобомиз Шайх Саъдий: “Мусиқа одам руҳининг йўлдошидир” деб айтган. Мусиқа инсонга тез таъсир этувчи эмоционал ҳиссиётни ривожлантирувчи воситадир. Инсон она алласи орқали мусиқа билан танишиб, умрбод мусиқадан завқ топади, мадад олади. Мусиқа инсон руҳиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мусиқадан турли озуқа олиш учун инсон юксак маданиятли, соф қалб эгаси, гўзалликни ҳис эта оладиган, ўз касбига, она ватанига меҳр қўйган бўлиши керак. Шу боис ўқувчиларда инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган мусиқа маданиятини тарбиялаш, миллий куй-қўшиқларимизни ўргатиш мусиқа тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини “Мусиқа маданияти” дарслари орқали маънавиятларини ошириш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг ўз имкониятларини намоён этиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини шакллантириш билан бир қаторда уларни миллий куй ва қўшиқларимизнинг ўрни ва аҳамиятини замон талаби даражасида муҳимлигини тушунтириш йўллари белгилаш.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади.** Ўзбек хонандалик санъати тарихини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

#### **Битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари.**

1. Ўзбекистонда хонандалик санъатининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш.
2. Марказий Осиёда хонандалик ва бастакорлик санъати тарихини ўрганиш.

3. Ўзбекистондаги худудий хонандалик мактаблари ва хонандалик услубларини ўрганишнинг аҳамияти.

4. Миллий хонандалик санъати ривожланишида Тошкент-Фарғона кўшиқчилиги услубларини ўрганишнинг аҳамияти.

5. Тошкент-Фарғона хонандалик услублари.

6. Тошкент-Фарғона хонандалик услуби намояндлари ижодий фаолиятларининг аҳамияти.

7. Мавзуни илмий асосларда хулосалаш.

**Битирув малакавий ишнинг объекти.** Умумтаълим мактабларининг “Муסיқа маданияти” дарсларида, санъат коллежлари аъанавий хонандалик йўналишлари ва ўқувчи-талабалар.

**Битирув малакавий ишнинг предмети:** Ўзбек хонандалик санъати тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни.

**Битирув малакавий ишнинг методологик асослари.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, асарлари ва нутқлари, маърузаларида кўтарилган маданият, маънавият, маърифат, таълим-тарбия, кадрлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, кўрсатмалари, Ўрта Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбияга бағишланган фикрлари, педагогика ва психология фанларидаги мавзуга оид қарашларидан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.** Умумтаълим мактабларининг “Муסיқа маданияти” дарсларида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш самарадорлигига таъсир этувчи миллий кўшиқлари омиллари назарий-педагогик жиҳатдан ёритилади. Муסיқий таълим-тарбияга хизмат қилувчи Давлат меъёрий ҳужжатлари, ДТС, тавсиялар, дастурлар, нашр этилган дарслик, ўқув қўлланмалар, матбуот, интернет материаллари имкон доирасида таҳлил этилади.

# **I – БОБ: ЎЗБЕКИСТОНДА ХОНАНДАЛИК САНЪАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ.**

## **1. 1. Марказий Осиёда хонандалик ва бастакорлик санъати тарихи.**

Ўзбек халқ мусиқасининг шеърига асосланиб яратилган асарларни ижро этувчилар қадимда турлича номланган: хонанда, ҳофиз, ашулачи, кўшиқчи, яллари, катта ашулачи, лапарчи, талқинчи, мақомхон, савтхон, бахши, шоир, зокир, муғанний, мутриб, йировчи, гўянда сингари. Бу ижрочилар бир неча гуруҳга бўлинадилар. Мақом ижрочиларига мақомхон, ҳофиз, хонанда, савтхон дейилса, дoston мусиқа ижрочилигида бахши, шоир, дostonчи, йировчи дейилган, халқ орасида кенг тарқалган жанр ижрочилари яллари, лапарчи, ашулачи, кўшиқчи номлари билан аталган.

Хонандаларнинг бу хилда номланиши кўп жиҳатдан ўзбек миллий мусиқа санъатининг жанрлари ва шакллари хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлган. Бу ҳар бир ижрочининг ўзи танлаган шу соҳада мукамал тажриба ва юксак савияга эришганлигидан далолат беради. Халқ орасида улар тўғридан-тўғри “Савтхон”, “Яллари”, “Катта ашулачи”, “Талқинчи”, “Шоир”, “Бахши” каби номлар билан айtilган. Бу номлар орқали ижрочининг қайси воҳада кўрсатган фаолияти ва касбий даражаси кўрсатилади. Масалан, бахшининг ҳеч қачон мақом айтмаслиги ёки катта ашулачининг лапар айтмаслиги маълум. Шоирлар кўп асрлар давомида мусиқа санъати, унинг ижодкорлари – хонанда, созанда, чолғу асбоблари, мақомларнинг инсон руҳига кўрсатадиган таъсири, кучи, мусиқа билан ижро этиладиган рақс санъати, мусиқанинг жанрларда, шоҳ саройларида, хилма-хил базм ва томошаларда тутган ўрнини ўз ижодларида ифодалаб келганлар. Хонанда шоир шеърдан таъсирланиб ижод қилгани сингари, шоир ҳам хонанда ва созандалар ижросида илҳомланиб шеърлар яратган. Қадимдан машҳур бўлиб келган хонанда ва созандалар тарихий манбаларда сақланиб қолган.

XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган ҳофиз ва бастакор Махмуд Насафий Насафда туғилган. У Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда яшаб ўтган. Унинг ҳофизлик ва бастакорлик фаолияти Самарқандда бошланган эди. Бу даврда у Темурийлар саройида хизмат қилади. Сарой амалдорлари билан муносабати бузилгандан кейин Ҳиротга кетади. Насафий ғоят баланд ва ширали овозга эга бўлиб, хонандаликда шуҳрат қозонган. Ҳиротдаги бастакорлар унга тез-тез мурожаат қилиб, маслаҳатларини олиб турардилар. Кейинчалик у Ҳиротдаги Шоҳруҳ саройида хизмат қилади. Сўнгра Бухорога келади ва у ерда ҳаётининг охиригача яшайди. Бухорода Махсуд Кавкабий билан дўстлашади, ундан мусиқа назарияси асосларини ўрганади. Замондошлари уни “Ҳазор дастон” – кўли гул дейишган. Насафий “Ироқ”, “Исфохон”, “Ҳусайний” мақомлари усулида бир неча “Савт”, “Амал” ва “Нақш”ларни яратган эди. Шулардан бири “Нақши Махмуди” деб номланган.

Самарқандда яшаб, ижод қилган санъаткорлардан бири Кулол Пирмухаммад Самарқандийдир. У кулочилик билан машғул эди. Лекин Амир Алиакбар Самарқандийга шогирд тушиб, мусиқа таълимини ҳам эгаллайди. Кейинчалик бир қатор “Амал”, “Нақш”, “Куллиёт”, “Пешрав”ларни яратади. Тарихий маълумотларга қараганда, у “Кулолий Куллиёти” асарида Самарқанд мусиқа тарихини ёзган. Бундан ташқари у “Кулолий” таҳаллуси билан ғазал ва рубойилар ҳам битган.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаб ўтган Муҳаммад Кавкабий ҳам Самарқандда туғилган бўлиб, шу ерда мусиқа таълимини Хожа Жафирин Қонуний Самарқандийдан ўрганади. Сўнгра мусиқа илмини пухталаш мақсадида Бухорога боради ва Нажмиддин Кавкабий Бухорийдан таълим олишни давом эттиради. Кавкабий аслида фалсафа, риёзат ва бошқа фанларни жуда ёшлигиданоқ мутоала қилганди. Бу фанларнинг мусиқа санъати билан алоқадорлик масалалари устида ҳам ишлайди. Шу билан бир қаторда Уд, Қонун, Барбат асбобларида чалишда ҳам шуҳрат қозонади. Кавкабий “Хожа Муҳаммад услубига тақлидчи” сифатида ҳам кенг танилган. Устозидан Нажмиддин Кавкабий “Кавкабий” таҳаллусини олади. Муҳаммад

Кавкабий ўзи яратган бир қатор “Савт”, “Амал”, “Куллиёт”ларни устозига бағишлайди.

Шоир Юсуф Амирийнинг “Дахнома” деб аталган шеърий асари Мирзо Улуғбекнинг акаси Бойсуқур Мирзо ҳомийлигида бўлган, унга бағишланган “Дахнома”нинг “Дар сабаби назми китоб” номи билан ёзилган иккинчи қисмида ёзади:

Қобузчи завқ бахшу нағма пардоз, қилиб наррон эли булбулдек овоз.

Тобукда не камар ошмай белидан, юкуниб чанг чангчилар элидин.

Не учун учириб унлар садоси, жаҳонни кўчириб барбат навоси.

XV асрда Ҳиротда туғилган ва ҳаётининг охиригача Бухорода яшаган Амирмастий Ҳиротда бўлган даврида мусиқа таълимини Абдурахмон Жомийдан олади. Бу санъаткор ғоят баланд ва ёқимли овози билан шуҳрат қозонган эди. Ҳофизликдан ташқари у миллий асбоблар: танбур, уд, рубоб ва айниқса қобузда маҳорат билан чаларди. Бу созанда Бухоронинг юксак мусиқа санъатини ўзлаштириш мақсадида Бухорога келади. У Бухорода машҳур қобузчи, яъни Амирмастий Қобузий номи билан шуҳрат қозонган эди. Бухорода Хисравий устозлардан соз чалиш санъатини ўрганибгина қолмай, балки Бухоро созандаларига Ҳиротчолғу йўлларини ўргатади. Замондошлари – Махмуд Насафий, Ҳофизи Турди, Қосими Бозор ва бошқалар унинг шогирдлари бўлишган.

XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган шоир Саййид Ахмаднинг “Таашшукнома” асари яратилади. У Темурнинг ўғилларидан Мироншоҳнинг фарзанди эди. Ўзбек ва форс тилларида яратган асарларини Алишер Навоий ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Мазкур асрда баён қилинган мусиқа асарларининг номлари шоирнинг сарой мусиқа донишмандлари, айниқса, мақом ва макон ижрочилари билан яқин алоқада бўлганлигидан далолат беради.

“Таашшукнома” асари китоб сабаби номи билан бошланади. Бу ўзига хос даромад вазифасини ўтайди. Сўнгра “Аввалги номасун айтур” қисмининг охирида шоир у 1ёки бу мақом номини кўрсатиб ўтади. Навбатдаги қисм –



“Ғазал”. Уни тавсия қилинган куйга солиб айтишни кўрсатиб беради. Масалан, биринчи “Ғазал”нинг куйи куйидаги сатрларда баён этилган: Сенинг бирла менинг аҳдим ҳамондир, нечаким жонима жаврунг ямондур. Фалак тугурдди чин фасли ҳамални, ироқвор айтай бу ғазални.

Шоир бу сатрларида “Ғазал” қисмини айнан “Ироқ” мақоми йўлларида солиб айтишни кўрсатиб ўтади. “Иккинчи номасун айтур” қисмининг охирида шундай деб ёзади:

Улодур Саййиди Аҳмад ким ярогун, ипак бори бир ишига ярогун.

Эшитгил бу ғазални чин Ироқ, Ажам созин тузиб айтай Ироқи.

“Учинчи номаси айтур” қисмидаги сўнгги сатрларда шундай дейди:

Тилайман туну-кун субҳи висолинг, биҳамдуллоҳки кўздадур хаёлинг.

Хаёлинг бирла айтай бу ғазални, наво созин тузуб куйдук жадални.

Мақомлар орасида энг ихчам, куйи ёрқин, оромбахш, хонандаларнинг севиб айтадиган мақом йўлларида бири “Наво” мақомидир. Бу мақом чолғучилари, айниқса, сурнайчилар дастуридан ўрин олган, торларнинг бир қатор симфоник, вокал симфоник асарлари учун ҳам манба ролини ўйнамоқда. Бу мақом йўли эҳтимол, Саййид Аҳмад даврида ҳам мана шу куйга солиб айтишини маъқул топган. Шоир тўртинчи “Ғазал”ни “Хусайний” мақоми асосида куйланишини айтиб шундай ёзади:

Қилур бўлсангмозоримга нигоҳе, чиқаргаймен лаҳатдин гарм оҳе.

Эшитгил топдим эмди чун маҳални, Хусайний пардасида бу ғазални.

Худди Наво мақоми сингари Хусайний ҳам ҳозирда кенг тарқалган. Бу мақом куйи ҳам чолғу куйи сифатида ижро этилиб келинмоқда. Саййид Аҳмаднинг олтинчи “Ғазал”и бошланишидан олдин куйидагиларни ўқиймиз: Фироқинг зулмидин дод истарам дод, рақибинг дастидан фарёд-фарёд.

Эшитгил айтойин кўнглум ниёзин, қобуз кубсаб тузиб ушшоқ созини.

Асарда номи кўрсатиб ўтилган “Ушшоқ” хонандалар орасида “Самарқанд Ушшоғи”, “Содирхон Ушшоғи”, “Тўйчи Ушшоғи”, “Қўқон Ушшоғи”, “Ҳожи Абдулазиз Ушшоғи”, “Даромад Ушшоқ”, “Қашқарчай Ушшоқ” сингари номлар билан тарқалган.

Хонандалар ўзларидаги ғайритабиий маҳоратларини фақатгина ашулахонлик ёки созандалик билан чегаралаб қўймаганлар. Уларнинг айримлари мусиқа илмидан ташқари яна бошқа илмларни ҳам ўзлаштиришга кизиққанлар. Жумладан, XV – XVI асрларда яшаган Муҳаммад Муъин Бухорода туғилган бўлиб, мусиқа илмини отасидан ўрганади. Сўнгра у илмини янада пухталаш мақсадида Ҳиротга боради. Ҳирот мадрасаида ахлоқ, кофия, аруз ва бошқа илмларни ўрганади. Аммо Шайбонийхон Ҳиротни забт этгандан кейин Муъин яна Бухорога қайтиб келади. У ерда мақом ижрочилигини янада чуқурлаштиради ва бунинг натижасида “Савти Муъини”, “Амали Муъини” асарларини яратади.

Бухорода туғилиб ўсган ва ижод қилган, XVI асрда яшаб, “Мавлоно Мири Табиб” номини олган Муҳаммадхусайндир. У мусиқа ва табиблик хунарини отасидан ўрганган. Бошқа замондош санъаткорлар сингари ижод билан шуғулланади. “Қуллийёт”, “Амал”, “Пешрав”, “Рахта”, “Қавл” сингари “Бўлсалик”, “Наво”, “Кучак”, “Рост” мақомларига асосланган ҳолда яратади. Шу билан бир қаторда у “Таснифи Мири”, “Амали чашми оху”, Гардун усулида “Пешрави Наво”ларни ижод қилган, ғазал ва рубоийлар ҳам ёзган.

XV асрда яшаган шоирлардан бири Саййид Қосимийнинг “Ҳақиқатнома” асарида хонандаларга қарата айтган оқилона сўзлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Жумладан шоир шундай дейди:

Замона бирла мутриб, соз қилгил, маҳал бирла ғазал оз қилгил.

Қилиб сен нағмаи чун булбули маст, баланд кўтар, ўзингни қилгил паст.

Шоир Саййид Аҳмад Қосимий мусиқа санъати аҳлини хоҳ у хонанда, хоҳ у созанда бўлишидан қатъий назар, яшаётган замонига, давридаги шинавандалар дидига мос келадиган оқилона ғазаллар куйлашга чақиради. Шу билан бир вақтда у ўзини такаббур тутадиган ҳофизларга насиҳат қилади ва уларнинг айтган қўшиқлари булбул хонишидан ҳам зиёд бўлсада, лекин камтар бўлишга чақиради.

Девонаи Ҳисобий XV асрда Хивада туғилади. У тезда мусиқашунос, ҳофиз ва шоир сифатида танилади. Девонаи Ҳисобийнинг мусулмон диний

маросимлари билан боғлиқ бўлган зикр йўлларини айтиш ҳақидаги овозаси бошқа ўлкаларга ҳам тарқалади. Унинг довуғи Самарқанддаги Ҳожа Аҳроргача етиб боради. Ҳожа Аҳрор ҳофизни Самарқандга таклиф қилади. Девонаи Ҳисобий Ҳожа Аҳрорнинг хонақосида зикрхонлик қилади. Бу хонақода у Жалолиддин Румий, Қосимий Анворнинг наҳдларига куйлар басталайди. Ҳаётининг охирида яна қайтиб Қорақўлга келади ва шу ерда у “Нақш”, “Пешрав” сингари мусиқа асарлари билан бир қаторда мусиқа илми тўғрисида рисола ҳам ёзади.

XV асрда Ҳиротда яшаган бошқа бир мусиқашунос олим Зайнулобиддин Румийдир. У Ҳиротда туғилган. Румий мусиқашунос ва шоир бўлиши билан бир қаторда, мусиқий асарлар ҳам ижод қилади. Жумладан, учта “Пешрав” басталайди. У “Ҳусайний” мақоми асосида “Афшон” пешравини, “Ироқ” мақоми асосида “Сақл” пешравини ва “Ҳусайний” мақоми асосида “Пешрави Форс”ни яратади. Румий бир неча ғазал, қасида ва рубоийлар ҳам ёзган.

XV асрда яшаган Дарвеш Мақсуди Андижонийнинг номи ҳам шуҳрат қозонади. У Андижонда туғилган. Бастакор ва ҳофиз сифатида Ҳиротга борганидан кейин камолга етади. Ҳиротда у ҳофизлик ва бастакорлик санъатини Оҳи Гаровийдан ўрганади. Унинг ҳофизлик ва бастакорлик маҳорати ҳақидаги хабар Ҳусайн Бойқарога бориб етади. Шундан кейин у саройга таклиф қилинади. У ерда ўша даврнинг мусиқа арбоблари Устод Шоди, Фулом Шоди, Ҳофизи Ушшоқий, бухоролик Ҳофизи Миракий ва Ҳожа Ҳамзаилар билан фаолият юргизади, улар билан бирга Бухорога бориб, мусиқа машғулотларини давом эттиради, Жомий ғазалларига куйлар басталайди. Кейинчалик Дарвеш Мақсудий Ҳиротда вафот этади.

Юқорида келтирилган сатрларда миллий санъаткорларнинг ахлоқи, маданияти, жамиятда тутган ўрни ифодаланса, бошқа бир шоирлар ўз асарларида ўзбек мусиқа маданиятининг туркий маданиятга тааллуқли эканлигини тасдиқлайдилар.

XIV – XV асрларда яшаб ижод этган Ҳайдар Хоразмий ўзининг лирик ғазалларини, “Гулшан ул асрор” номли фалсафий дидактик достони билан шуҳрат қозонган эди. Шоир бу асаида одоб-ахлоқ, меҳнат ва меҳнат аҳлига чуқур муҳаббат, бадиий адабиётнинг қудратига оид муҳим масалаларни ифодалаб берган. У мусиқа санъати борасида қуйидагиларни ёзади:

Турк зугурудир очунида бу кун, бошлак улук йил билан туркона ун.  
Рост қил оҳанги “Наво” у “Ушшоқ”, туз ётугон бирла шу тургуеи сос.  
Турк зурудини тузик бирла туз, яхши аёлгу била кукла қобуз.

Бунда турк лаҳжаси ва туркона ун – куй, оҳанг туфайли бошининг кўкларга етганини, туркча кўшиқнинг маҳорат билан ижро этилиши сингари фикрлар ўз ифодасини топади. Номбар қилинган “Ҳижоз” ва “Наво” мақомларининг туркларга ҳам алоқадорлигини таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий ўзидан олдин яшаб ижод этган атоқли шоирлар ҳофиз Камоли Хожандий, Носир Бухорий, Ибн Ямин сингари соз усталари тўдасига етакчилик қилган. Навоий ижодида мусиқа санъати ҳам катта ўрин тутган. Қуйида шоирнинг ҳофиз радифли шеърини мисол келтирамиз:

Чекди булбул киби минг лаҳз ила дoston ҳофиз,  
Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон ҳофиз.  
Гар унинг жон олур они деса бўлгайму дадариғ,  
Ким фидо бошдин аёғингга сенинг жон ҳофиз.  
Сендадур наъмаи Довуд ила инсофи Масих,  
Бордурур йўқ эса даврон фаровон ҳофиз.  
Эй Навоий, дема лахнига недин бўлдинг сайд,  
Халқ сайдига кони ўйла хуш илҳом ҳофиз.

Шеър сатрларида Алишер Навоийнинг ҳофиз аҳлига бўлган чуқур ҳурмат-эътибори, хонанда санъатини улуғлаш, хушхон ҳофизларнинг ҳам учраши сингари сифатлар ифодаланади.

XV аср охири, XVI аср бошларида Али Кормал исмли хонанда, созанда ва бастакор ўтган. Марв да туғилиб ўсган бу санъаткор ҳақида бирор-бир маълумот бўлмасда, лекин унинг маҳорати хонанда ва созанда сифатида

шуҳрат қозонганлигини замондошлари айтиб ўтишган. Али Кормал косиб оиласидан бўлган. Ўзи ҳам косибчилик билан шуғулланганлиги сабабли уни “Тун тикувчи” тахаллуси билан аташган.

Мутриб, созанда ва шоир Амир Алиқамбар Самарқандий замонасининг кўзга кўринган забардаст мусиқа донишмандлари қаторидан ўрин олган. У XVI аср охири, XVII аср бошларида яшаган. Алиқамбар Самарқандий ўзи ташкил қилган мусиқа мактабида таниқли мусиқа арбоблари: Дарвеш Бузғолони Самарқандий, Мавлоно Мир Ҳаққи, Устод Абдулсаттор Қонуни, Устод Тулаки Нойи, Устод Арабнавои Қобузи, Махдумзодаи Котиби Самарқандий ва бошқаларни тарбиялаган эди. Маълумотларга қараганда мазкур мусиқа мактаби Самарқанд мусиқа маданияти ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Мавлоно Амир Шоҳий – ҳақиқий номи Малик ибн Жалолиддин Фирузкухи. Хонанда, чолғучи, бастакор XVI аср охири, XVII аср бошларида яшаган. Бу устоз Сабзаворда туғилган. Мусиқа назарияси ва ижрочилик амалиётини Ҳиндистонда сўнгра Бухорода ўзлаштирган. У барбат , қонун ва рубобда маҳорат билан чалган. Амир Шоҳий Бобур саройида хизмат қилган чоғларида “Наво”, мақоми йўлида “Чамбар” усулига асосланиб “Амали Шаҳриёри жаҳон” ашуласини, шеърли ўзиники, яратади. Бундан ташқари “Шоҳи” тахаллуси билан бир қатор ғазал ва рубоийлар ҳам ёзган.

Али Шунқор исмли хонанда ва бастакор XV асрда яшаб ижод этган. Ҳиротда туғилган. Бир қатор яратган асарлари Ҳирот маликаси Тўтибегимга бағишланган. У “Ҳусайний”, “Ироқ” ва “Дугоҳ” мақомларининг йўлларига асосланиб яратган куйларини “Туркзарб” ва “Зарбулфатҳ” вазнларида ижод қилган. Али Шунқор яратган машҳур асарларидан бирини “Савти Боғим” ва “Нақши Бегим” деб атайдди.

Бастакор Дарвеш Бузғолони Самарқандий XVI аср охири, XVII аср бошларида яшаган ижод этган. Тарихий маълумотларга қараганда у ўша даврнинг машҳур мусиқашуноси Алиакбар Самарқандийдан мусиқа назарияси ва амалиётини ўрганади. Бастакор устоз даражасига етганидан

кейин яратган барча асарларини устози Алиакбар Самарқандийга бағишлайди.

Ўзбек бастакор, хонанда ва созандаларининг ўтмишдаги ҳаёт тарзлари, чалиш ва айтиш услублари, яратган юзлаб асарлари, асос солган мактаблари, ижод қилган йўллари, мусиқага оид назарий ва тарихий-илмий изланишлари сингари бир қатор масалалар етарлича очилмаган. Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда марказий шаҳарлардан бўлган Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент ва Фарғонада хонандалар ва созандалар ижод ва ижрочилик фаолиятларини ривожлантириш мақсадида тўпланишган.

Ўтган асрларда шинавандалар ва устозлар орасида касбини мукаммал биладиган, бир қатор шогирдларни тарбиялаган, ижрочилик ва ижро соҳасида шуҳрат қозонган устоз санъаткорларга махсус унвон ҳам берилган. Масалан, “Мутриби Мовароуннаҳр” унвонини ҳозирги “Республика халқ ҳофизи” га қиёслаш мумкин.

Ўрта аср мусиқа ижоди услублари устоз мақомчилар ва бастакорлар меросини илмий таҳлил қила билган топовчилар фаолиятида ҳам учраб туради. Масалан, устоз Ота Жалол Шашмақомнинг Мушқилот қисмларини тартибга солган, айрим мақом шўъбаларини кенгайтирган, ривожлантирган ва кўшимча қисмлар басталаган. Бу устоз, Сегоҳ мақомига Савт усулида уч қисмли шўъба басталаган. Бу шўъба “Савти Жалолий” деб аталади. Шашмақом ижрочиларидан Домла Халим Ибодов “Сабо”га “Авжи Дугоҳ”ни киритади. Машҳур сурнайчи-меҳтар Камол “Ироқ” мақомига биринчилардан бўлиб, “Авжи Муҳайяр”ни киритган эди.

Бастакор Матниёз Юсупов халқ куйларини тўплаб нотага ёзиш жараёнида ҳам уларга ижодий ёндошади.

## **1.2. Ўзбекистондаги ҳудудий хонандалик мактаблари ва хонандалик услубларини ўрганишнинг аҳамияти.**

Ўзбек халқининг анъанавий кўшиқ меросида асосан тўртта хонандалик мактаблари ва услублари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича номланади:

1. Бухоро – Самарқанд хонандалик услуби.
2. Хоразм хонандалик услуби.
3. Фарғона – Тошкент хонандалик услуби.
4. Сурхондарё – Қашқадарё хонандалик услуби.

Қадимдан Ўрта Осиёнинг маданият маркази ҳисобланган Бухоро ва Самарқандда ўзбек мусиқа санъатининг хусусиятлари деярли бошқачадир. Бу хусусиятлар мерос мавзусига ва жанрлари ҳамда тааллуқлидир. Бухоро ва Самарқанд маҳаллий услуби хусусиятларининг муҳим фарқи мусиқа мероси ва ижрочиликнинг икки турга – оғзаки анъанадаги профессионал санъат ва фольклорга бўлинишидир. Мусиқа фольклорининг моҳир намояндалари билан бир қаторда бу ерда профессионал санъаткорлар - созанда ва ҳофизлар қатта ўрин тутиб, улар мақом ва бошқа профессионал мусиқа жанрларининг билимдон ижрочилари сифатида танилган. Қияик шаклдаги маълум туркумни ташкил этувчи хилма-хил мазмунга эга бўлган рақс-ўйин кўшиқларининг ижрочилари – созандалар ҳам кенг эътиборга эга бўлганлар.

Бу қадимий шаҳарларда чолғу асбоблари турларининг бойлиги, маросим кўшиқ куйларининг хилма-хиллиги характерли бўлиши билан бирга, энг яхши ижрочи хонанда ва созандалар иштирокида мусиқа ва шеърят кечаларининг мунтазам ўтказилиб туриши ҳам одат бўлган эди. Маишат, турмушнинг шаҳарча тарзи ашулачилар, раққос ва раққосалар ҳамда созандалар ансамблларининг ўзига хос тусда кенг ривожланишига ҳам имкон берганди. Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ўзбек мусиқа фольклори эса кўп жиҳатдан тожик мусиқаси билан маълум даражада умумийликка эга бўлиб, тарихий тақдири деярли ўхшаш бўлган ҳар иккала

кардош халқ – ўзбеклар ва тожикларнинг баб-баравар даражадаги мусиқа меросидир. “Шашмақом” фикримизнинг ёрқин мисолидир.

“Шашмақом” олти мақомдан ташкил топган туркум бўлиб, улар қуйидагича номланади: “Бузрук мақоми”, “Рост мақоми”, “Наво мақоми”, “Дугоҳ мақоми”, “Сегоҳ мақоми”, “Ироқ мақоми”. Мақом асли арабча сўз бўлиб, ўрин, жой, макон, парда маъноларини англатади.

Танбурнинг торлари кўрсаткич бармоққа кийиладиган нохун ёки табиий тирноқ воситасида чертиб чалинади. Бу чолғу асбобида мақом йўлидаги бошқа йирик чолғу куйлари ижро этилади, шу билан бир қаторда ҳофизларга жўрнавозлик вазифаси бажарилади. Бундан ташқари, Бухоро мусиқа амалиётида танбур, най ва дойра созларидан иборат чолғу ансамбли анъанавий тус олган. Мақомларнинг ашула йўлларини устоз ҳофизлар куйлашади. Уларда куйланган мумтоз шеърӣ намуналарида эса икки тиллилик анъанаси намоён бўлиб туради, яъни, мақом ашула йўлларида аруз вазнига асосланган ўзбек ва тожик шеърларини қўллаш мумкин.

Олти мақомнинг ҳар бир ўзига хос товуш пардаларига эга бўлиб, бу пардалар асосида бастакорлар чолғу куй ва ашула йўлларини яратадилар. Олти мақомдаги ҳар бир мақом икки йирик бўлимдан – чолғу ва ашула йўлларидан иборатдир. Бундай асарларни эса устоз-шогирд мактабида таҳсил кўрган касбий чолғучи ва ашулачи ҳофизларгина малакали ижро эта оладилар. Касбий чолғулар орасида танбур – торли чертма сози кенг қўлланилади. Бу созда ноксимон, ўйма коса ва унга уланган даста бўлиб, тут ёғочидан тайёрланади.

Танбурда торларнинг сони учтадан олтитагача бўлиши мумкин. Аммо ҳозирги давр ижрочилик амалиётида кўпроқ 3 симли танбур қўлланилиб, ўзбекистонлик ҳофизлар асосан, ўзбек тилидаги шеърӣят намуналари асосида куйлайдилар. Бунда айниқса, Навоий, Лутфий, Саккокий, Машраб, Бобур, Муқимий каби шоирларнинг шеърлари кенг қўлланилади. Домла Халим Ибодов, Ота Жалол Носир, Ота Ғиёс Абдуғани, Ҳожи Абдулазиз



Абдурасулов, Леви Бобохонов каби устозлар мақом туркумининг маҳоратли ижрочилари эдилар.

**Хоразм ашулачилик йўллари.** Хоразм мусиқа услуби, шу воҳадаги халқ кўшиқ ва лапарлари турли маросим, томоша ва ўйин, рақс куйлари ҳамда дostonчилик, ашулачилик, мақом санъати каби касбий мусиқа анъаналаридан ташкил топади. Ўзбек мусиқасининг таркибий қисми бўлган Хоразм мусиқаси айна вақтда ўзгача тароватга эга бўлиб, унинг маълум даражада туркман, озарбайжон мусиқасига яқин жиҳатлари ҳам бор. Хоразмда ашулачилик санъати равнақ топган бўлиб, ашулачиларни халқда кўпроқ “Гўянда” деб аташади. Ашула жанрининг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, у асосан мумтоз шеърят намуналарига асосланади. Куй оҳанглари эса кўшиқ ва лапарларга нисбатан кенг ривожланган бўлиб, овоз кўлами – диапазони бир октава ва ундан ортиқ бўлади.

Хоразмда сувора номи билан маълум ва машҳур ашула туркумлари мавжуддир. “Сувора” сўзи форс-тожикча бўлиб, отлиқ маъносини билдиради. Устозлар “Сувора” ашула йўлларини “от туёғидан ҳосил бўладиган турли ритмик тизилмадаги усуллар ва уларга асосланган куйларни ифодалайди”, деб таъкидлайдилар. Хоразм суворалари Навоий, Машраб, Нодира, Залилий, Огаҳий, Мунис, Аваз Ўтар, Бедил каби шоирларнинг шеърлари асосида айтилади. Хоразмда сувора ижрочилигининг дидилашма ёки дийдалашма деб юритиладиган ўзига хос мусобақалари ўтказилиб турилади. Бундай мусобақада қатнашаётган бир неча ашулачининг ҳар бири дастлабки – биринчи ашулачи таклиф этган ашула куйи асосида янги шеърлар боғлаб, навбатма-навбат куйлайдилар. Бу ижодий вазифани юқори маҳорат билан бажарган ашулачи дидилашма мусобақасида ғолиб бўлиб чиқади. Сувораларнинг маўхур ижрочилари қаторида Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Мадрахим Ёқубов – Шерозий каби ижрочиларнинг номлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Хоразмда сувора ашула йўлларининг икки туркуми мавжуд ва машҳур бўлиб, улар куйидагича номлар билан аталади:

1. Ўн икки суворадан иборат “Савти сувора”лар туркуми. Бу туркумдаги ҳар бир сувора рим рақами билан белгиланади. Масалан, “Сайти Сувора I”, “Сайти Сувора II”, “Сайти Сувора III”, “Сайти Сувора IV”, ва ҳоказо. Мазкур туркумдаги барча Суворалар 6/8 ўлчов вазнидаги дойра усуллари билан ижро этилади.

2. Сувораларнинг яна бир туркумини йирик шаклли суворалар мажмуаси ташкил этади. Бу суворалар туркумидаги ҳаор бир суворанинг махсус номи бўлиб, улар “Сувора”, “Чарандози сувора”, “Якпарда сувора”, “Хушпарда сувора”, “Кажханг сувора” деб аталади. Бу сувораларда 6/8,  $\frac{3}{4}$ ,  $\frac{3}{8}$  ритм ўлчовлар ва уларга мувофиқ дойра усуллари қўлланилади. Шунингдек, Хоразмда Суворалардан ташқари яна алоҳида ашула йўллари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири “Мустаҳзод” деб аталади.

Хоразм мақомлари XX аср бошларида шаклланган бўлиб, улар ҳам Шашмақом каби олти мақомдан иборатдир. Бу мақомлар куйидагича номлар билан аталади: “Рост”, “Бузрук”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ”. Ҳар бир мақом чолғу ва ашула бўлимларидан ташкил топади. Бу бўлимлар Хоразм мақомларида “Чертим йўли” ва “Айтим йўли” деб номланади. “Чертим йўлида Тани мақом, Таржеъ, Пешрав, Мухаммас, Сақил ва Уфор номи чолғу куйлар бўлади. Мақомларнинг чолғу куйлари танбурда, дуторда, айримлари сурнайда ёки халқ чолғулари ансамблида ижро этилади.

“Айтим йўли”да эса “Тани мақом”, “Талқин”, “Наср”, “Тарона”, “Сувора”, “Нақш”, “Фаёд” каби ашула йўллари мужассам этилгандир. “Мақом” ашула йўлларида Жомий, Навоий, Саккокий, Фузулий, Машраб, Мунис, Огаҳий каби мумтоз шоирларнинг шеърлари қўлланилади. Хоразм мақомларининг маҳоратли ва таниқли ижрочилари қаторида Ниёзжон Хўжа, Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳим Феруз, Матёқуб Харратов, Матпано ота Худойберганов, Матюсуф Харратов каби санъаткорларни мисол келтириш мумкин.

Хоразмда аёл кўшиқчилар “халфа” деб юритилади, улар фақат ашула айтиш билан чекланмаганлар, чунки халфалар санъатнинг кўп турларидан

хабардор бўлганлар, улар хотин-қизлар ўртасида ранг-баранг халқ кўшиқлари, мумтоз ашулалар, шоирларнинг ғазалларини ва ошиқлик дostonларидан парчалар куйлашган, диний мавзуда суҳбатлар қилишган. Халфалар бу даврада асосан халқ дostonларини ўқиш билан бирга уларни мусика жўрлигида маромига етказиб куйлаб ҳам берадилар.

Қадимий Хоразм халқи Ўрта Осиёда ўзига хос юксак маданияти билан катта из қолдирган. Хоразм санъаткорларининг қадим замонларга бориб тақаладиган нафис санъати кўп асрлар давомида сайқал топиб оммани ўзига жалб қиладиган сеҳрли кучга айланади ва халқ тарихи билан боғлиқдир.

Маълумки, халқ байрамларида оила маросимлари билан боғлиқ тўй ва томошаларда, урф-одатларда ва сайилларда мусика жўрлигида кўшиқ, рақслар ижро қилинган. Деярли 3000 йиллик тарихга эга муқаддас “Авесто” китобида (хусусан унинг “Яшта” ва “Виспарт” бўлимларида) қадим Хоразм санъати, тўй ва маросимлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Хоразмда олиб борилган археология ва этнография экспедициялари натижасида бу ҳудудда эрамиздан аввал VI-V асрлардаёқ анъаналар таркиб топганлигига оид маълумотлар мавжуд. Эрамиздан аввалги IV аср Жонбосқалъа, I-IV аср Тупроққалъа кўрғонлари ичида оловхона борлиги ва у ерда тантаналар ўтказилганлиги аниқланган. Қадимги Хоразмшоҳларнинг Афригийлар давригача бўлган қароргоҳи Тупроққалъада “Шоҳлар зали”, “Ғалаба зали”, “Рақсга тушувчи ниқоблар зали” борлиги аниқланган.

“Рақсга тушувчи ниқоблар зали”да топилган суръатларда созандалар кўлларидаги арфа, икки томони қум соатига ўхшаш ноғора, икки торли дутор акс эттирилган. Ушбу далилларда исломгача бўлган даврда маданият, санъат, куй, кўшиқ, дoston ҳам маълум даражада ривожланганлигидан дарак беради.

**Хоразм халфачилик санъати.** Ўзбек халқ мусика ижоди жумладан, халфачилик санъатини мусиқий таълим жараёнида халфачилик дарсларида ўрганишдан асосий мақсад, ўқитувчиларни анъаналарга бой ва бадиий етук, халфачилик кўшиқлари намуналаридан бахраманд этиш. Уларни ўрганиш асосида ўткир дид, юқори бадиий савия, нафис туйғуларни

шакллантиришдан иборат. Айни вақтда кўп асрлар давомида яшаб келган ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз маънавиятининг баркамол руҳияти садоларидаги натижаси бўлган халфа қўшиқларини ёш авлод қалбидан ўрин топтиришдан, бу анъаналарни эъзозлашни, она юрт меросини бугунги кундаги ҳаққонитй ворислари бўлишини тарбиялайди.

Халфа қўшиқлари халқ руҳини, халқ орзу-армонларини ёрқин акс эттириб, одамлар юрагига таъсир этиб хусусан аёллар томонидан ижро этиладиган санъат тури. Айнан халфа қўшиқлари меҳнаткаш омманинг озодлик ва бахт учун курашида мададкор бўлиб, халқнинг дарди айниқса, аёлларнинг ҳаёти, аёлларнинг манфаати қуйланган, ғояларни жонли гаудалантириб содда, равшан тил билан қуйларга солиб бадиий шаклда тараннум қилган жанрдир.

Ўзбек халқининг мусиқа меросида анъаналар айнан шу воҳада мавжуд мусиқа ижодини, жанр турларини ўрганиш масалалари мусиқа мактаблари, санъат гимназияси, мусиқий коллежлар халфачилик дарсларида ва олий ўқув юртларининг “Анъанавий халқ қўшиқчилиги” фанига бўлган талаблардир. Ҳар бир маҳаллий услуб ўз хусусиятлари ва анъаналарига эга. Фақат Хоразм маҳаллий услубига хос бўлган халфачилик санъат тури анъаналари эса узоқ даврлар мобайнида шаклланган бўлиб, улар халқимизнинг турли шароитлардаги турмуши, меҳнат машғулотлари, маросим ва урф-одатлар жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда юзага келган.

Тарихий макнбалардан бизга маълумки, мусиқа санъати кенг, доимий ривожланишда албатта, марказий шаҳарлар муҳим аҳамият касб этган. Ўз-ўзидан маълумки, фан, адабиёт, санъат ва маданият тараққиётига ҳар томонлама эътибор диққат марказида бўлган. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразм ижрочилик матаблари вужудга келган.

Кексаларнинг берган маълумотларига қараганда қадимий даврлардан Хоразмда “Қизил гул” байрами ўтказилган, бу байрамда қўбиз чала олмайдиган, ўйинга тушмаган қиз бўлмас экан. “Қизил гул” байрами ХХ асрнинг 20-йилларигача баҳор байрами сифатида нишонланган.

Узоқ даврлардан буён Хоразмдаги тўй, сайл, аза маросимларида хотин-қизлар даврасида “халфа”лар санъати ижоди маълум бўлиб келган.

Хоразмда саводхон, гапга чечан, айни пайтда хонандалик қобилиятига эга бўлган зукко аёлларни “халфа” деб юритишади. Ушбу атама арабча сўз бўлиб, унинг маъноси шариат ақидаларини яхши билувчи, ўқимишли киши тарзида шаклланган.

Халфалар фаолиятида ўз маъносини акс эттирувчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Чунки, диний мавзуларга оид маълумотларни билиш ва хонандалик қобилияти халфалар ижодида маълум даражада алоқага эга.

Бир вақтлар зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”ни ўқиб уларни хотин-қизлар даврасида тарғиб қилган аёлларни ҳам “халфа” деб юритишган. Бироқ бу ўқимишли аёллар фақат диний мавзудаги китобларни тарғиб қилиш билан қифояланмасдан, буюк шоирлар асарларини, шунингдек, китобга кўчирилган халқ достонларини ҳам куйга солиб ўқишган ва хотин-қизлар дилини хушнуд қилиб келганлар..

Хоразм кўшиқчилик санъатининг ижро усуллари ўзига хослиги билан ажралиб турган, яъни турли тана ҳаракатлари, руҳий ҳолат ва кечинмалар ифодаси, Жозибадорлик, шўхчанлик уларга хос хусусият бўлган. Кўшиқлар турли байрамларда, тантаналарда, маросим ва тадбирларда ижро этилган. Эрамиздан олдинги IV асрда яшаган тарихчи Геродот шундай деб ёзган: “ Аракс - Амударё бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, ўсимлик ҳидидан маст бўлишиб, унинг атрофида олов ўчгунча кўшиқ айтиб, рақсга тушар эдилар”. Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда “Лазги”, “Оразибон” каби қадимий санъат атамалари турли маъноларни англатган. Масалан, Отар – ораз – ўт, олов посбони, оловдек тезкор, оловдек мўъжизакор маъноларини англатган.

Хоразм элининг қадимги дунё тарихчилари томонидан эътироф этилган, мусиқа кўшиқчилик санъати, анъаналарининг шон-шуҳрати замонлар тўйфониға қарамай, сақланиб келган. Бу ҳақда буюк қомусий олим Муҳаммад Хоразмийнинг асарларида кўплаб маълумотлар учрайди.

Айтишларича, Хоразмий Бағдоддаги “Байтул-ҳикмат”да ишлаб юрган кезларида олдимлар ўртасида санъатнинг шифобахшлиги хусусида баҳс кетган экан. Олимлардан бири Хоразмийнинг фикрини билиш мақсадида ундан – “Устоз, сизнинг ватанингизда инсонларни даволашда нимани афзал кўришади, дори-дармонними ёки жарроҳликними?”- деб сўраган экан. Шунда устоз: “Менинг Ватанимда уларнинг ҳар иккаласидан кўра, мусиканинг шифобахш кучини устун тутадилар,” – деб жавоб берган экан. Хоразмликларнинг ўзига хос аждодий анъаналаридан бири санъатсеварликдир. Бу ерда кўшиқ, рақс, мусиқа ҳар бир инсон ҳаётида, фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, Муҳаммад Хоразмшоҳ мусиқа ва шеърятни чуқур идрок этиб, ардоқлайдиган бўлган. Созандаю кўшиқчиларга сабоқ бериб турган. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонининг қаҳрамонларидан бири Дилором Чангий моҳир созанда “Устозлар устози” сифатида тасвирланган. Ҳазрати Навоий ушбу асарида Хоразмни етти иқлимнинг бири сифатида тасвирлайди. Бу эса ўз навбатида, Хоразмнинг нуфузи ҳамда салоҳиятини англатади.

Хоразм мусиқа, рақс ва кўшиқчилик санъатининг ўзига хос қадимий даврлардан мерос анъаналари ичида “устоз-шогирд” мактаби алоҳида ўрин эгаллайди. Бу анъана ҳозирги кунларгача сақланиб келинмоқда. “Устоз-шогирд” мактабининг асосий вазифаси санъаткорлар сафини малакали, иқтидорли шогирдлар билан тўлдириб боришдан иборат бўлган. Устозлар азалий қадриятларнинг суянчи ҳамда таянчи ҳисобланган. Устоз бор жойда санъат мукамал бўлган. Мактаб яратган устоз – буюк санъаткор саналган. Шогирд эса устознинг айнан кўчирма нусхаси, унга қуруқ тақлид қилувчи эмас, балки устоз ўргатганларидан ташқари, ўзи ҳам ижод қилиши, ўз устида ишлаши зарур бўлган.

Хоразм анъанавий кўшиқчилик мактаблари орасида мақом ҳамда халфалар мактаби алоҳида ўрин тутайди. Санъатшунос олдим О. Матёкубов куйидагиларни ёзади: “Мақомлар Хоразмда пайдо бўлиб, Бухорода ривож топган”. Бу фикр Ота Жалол, Ота Ғиёс каби Бухоро “Шашмақом”ининг энг

кўзга кўринган обрўли устозлари томонидан ҳам қайд қилинган. Бундан ташқари, Фарғона ҳрфиз ва созандалари орасида мазмунан юқоридагига ўхшаган “Мақомларнинг танаси – Хоразмда, шакллари – Бухорода, меваси – Фарғонада”, деган фикр ҳам кенг тарқалган.

Хоразм санъати юлдузларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Олмаҳон Ҳайитова ўз эсдаликларида қуйидагиларни ёзади: - “Тамараҳоним 1926-1927 ҳамда 1934-1935 йилларда Хоразм театрида Шерозий, Матпано Худойберганов, Мутриб Хонахаробий, Комил Девоний ва воҳанинг бошқа таниқли санъаткорлари билан бирга фаолият кўрсатган, кўплаб кўшиқлар қуйлаган эканлар. Унинг синглиси, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Рахимованинг ҳам Хоразм санъатига меҳри баланд эди. Машҳур икки опа сингил тарбиясини олган кўпгина хоразмлик санъаткорлар нафақат Республикамизда, ундан ташқари худудларда ҳам ниҳоятда доврўғдор бўлиб кетишган. Аини пайтда Тамараҳоним ҳам, Гавҳархоним ҳам, Ҳалима Носирова-ю Саодат Қобулова ҳам, Мухтор Ашрафий-ю Мўьтал Бурхонов ҳам менга устозлик қилган, яна қанчадан-қанча буюклар ҳам ўзларидан ниҳоятда ёрқин излар қолдиришиб, фоний дунёни аллақачон тарк этишган. Мен бошқа жуда кўп санъаткорлар билан ҳам даврдош ва асрдош бўлиб яшадим. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари Ҳожихон болтаев, Мадраҳим Ёқубов, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, беназир санъаткорлар Матниёз Юсупов, Султон Ҳайитбоев, Шариф Рамазонов, Раҳмон Оллоберганов, Хизмат кўрсатган артистлар Назира Юсупова, Бекжон Отажонов, Нурмамат Болтаев, Шариф Султонов, Қутлимурод Ҳожиев, Абдушариф Отажонов, мақомларимизнинг уста ижрочилари Ўринбой Отажонов, Искандар Пирматов, Сотим Авазовлар мавжуддир”.

Хоразм дostonчилигида унинг бир тармоғи бўлиб шаклланган “халфа”лар санъати ҳам аҳамиятлидир. “Халфа”чилик – асосан аёллар орасида жорий бўлиб келаётган санъат бўлиб, унда кўпроқ дostonлардан олинган парча ва термалар, шунингдек турли вазиятларда қуйлаш учун ижод

этилган – тўй-маросим қўшиқлари, лапар ва бошқалар, қўшиқ-айтимлар куйланади. Хоразм халфалари Бухоро-Самарқанд созандалари сингари асосан хотин-қизлар иштироки билан боғлиқ турли йиғин, маросим ва байрамларда қатнашадилар. Бунда халфалар ижоди икки шаклда – якка ва жамоавий-ансамбл тарзида намоён бўлади.

Якка ёки яккахон халфалар, одатда, дoston қўшиқларидан тортиб, то тўйу-ҳашамлар қўшиқлари масалан, “Ёр-ёр”, “келин салом”, “Ал муборақ”ларни жўрнавoз чолғусиз айтадилар. Шу билан бирга, яккахон халфалар мотам маросимларида ҳам иштирок этиб, унда “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан” каби халқ китобларини маълум оҳанглар асосида ўқийдилар. Яккахон халфалар қаторида Розия Матниёз қизи, Пошшо Саидмамат қизи, Саодат Худойберганова ва бошқаларни айтиш мумкин.

**Сурхондарё – Қашқадарё мусиқа услуби.** Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари Сурхондарё – Қашқадарё аҳолисининг катта қисми Республиканинг бошқа вилоятларидан фарқли равишда, ўтмишда асосан чорвачилик, айрим қисмигина деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳаёт кечирар эдилар. Бу вилоятлар халқи қалбида, мусиқа фольклоридан чорвадорлар меҳнати, кўчманчилик ҳаёти ҳақидаги қўшиқларнинг характерли ўрин эгаллаши ҳам ана шундандир. Уларнинг мусиқа ҳаётида дoston ижрочилиги, яъни бахши-шоирлар ҳам муҳим ўрин тутган.

Ўлкада маҳаллий халқ орасида мусиқа чолғулари узоқ тарихий ўтмишдан буён меҳр қўйилиб, ардоқланиб, ижро этиб келинаётган созлар бўлиб, улар дўмбира, чанқовуз, дойра, қобуз, чўпон най, сибзизик – сибзизға кабилардир. Дўмбира сози икки торли чертма чолғудир. Бу чолғу Сурхондарё – Қашқадарё маҳаллий мусиқасида кенг тарқалган созлардан бўлиб, у бахши-шоирлар ва чўпонлар томонидан завқ билан севиб ижро этилади. Чанқовуз эса махсус тилчали асбоб бўлиб, у темир ёки суякдан тайёрланади. Темир чанқовуз одатда айлана шаклида бўлади. Унинг ўртасидан 7-9 см. Узунликдаги пўлат тил ўтказилади. Чанқовузни чалиш учун уни чап қўл билан тишларга босиб туриш керак ва айна вақтда ўнг қўлнинг кўтсаткич



бармоғи таъсирида тилчани тўлқинлантириб туриш лозим. Бу чолғуни нафақат катталар, балки болалар ҳам чаладилар.

## **1. 2. Ўзбекистонда қўшиқчилик услубларини яратилишида улкан ҳисса қўшган устоз саъяткорлар ижодининг аҳамияти.**

Халқимиз маданиятини ва маънавиятини юксалтиришда, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, фикрлаш қобилиятини ўстиришда миллий мусикамизнинг ва анъанавий ижродаги қўшиқларимизнинг ўрни бекиёсдир. Миллий мусикамиз дурдоналари ва анъанавий қўшиқларимиз аввалдан халқимиз орасида ардоқланиб, оғиздан-оғизга ўтиб, куйланиб, созлар орқали чалиниб келинган ва уларни катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Мумтоз куй ва қўшиқларимиз миллий тафаккурни маънавий камол топтиришда асосий восита саналган. Халқнинг оғир кунда ҳам, шодлик, хурсандчилик пайтларида ҳам доимо ҳамроҳ бўлган. Ширали куй, ёқимли овоз ўз таъсирчанлиги билан инсон қалбига сирли ҳаяжон солади, унинг руҳиятини тетик қилади. Улуғ мутафаккир шоир Саъдий Шерозий куй ва қўшиқни «Руҳ озуқаси» деб атаган экан. Шунинг учун ҳам киши яхши бир куй ёхуд қўшиқ тинглаганида жаҳолатдан йироқлашади, қалбини яхшилик туғёнлари қамраб олади. Муҳаббат, садоқат, инсонийлик, гўзаллик каби юксак даражадаги инсоний ҳис-туйғуларни қалбан ҳис қилади. Мусиқа шундай ажойиб санъатки, унинг учун ҳеч қандай тил тўсиғи йўқ, таржимонга муҳтож эмас. Мусиқа шундай ажойиб шифобахш фазилатларга эгаки, буни ўз навбатида Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино каби улуғ даҳолар ўз асарларида таърифлаб берганлар.

**Комил Хоразмий.** Комил Хоразмий Хива шаҳрида мадраса мударриси Абдулла Охун оиласида дунёга келган. Отасининг назорати остида ўқиб жуда кўп билимларнинг соҳибига айланди. Натижада забарбаст шоир, мусикашунос, созанда бўлиб етишади.

Унинг устозлари замонасининг забардаст созандалари ва мақом таълимотчилари бўлган. Бухородан «Шашмақом» ни Хоразмга олиб келган Ниёзхўжанинг шогирдлари Муҳаммаджон сандиқчи, Абдусаттор махрам,

Худойберган этикчиларидан таълим олди. Ғазаллардан девон тузади ва мусиқа устаси сифатида танбурнинг 18 пардасига қараб 18 чизик чизиб, нечанчи пардада ўйналса, нохуннинг уришига биноан нуқталарни жойлаштирган ва шу тариқа Хоразм «Танбур чизиги»ни яратган. Комил Хоразмий Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз саройида мартабали лавозимларда ишлаб унинг ҳомийлигида ижод қилган. Комил Хоразмий «Танбур чизигини» бошлаб берган бўлсада у олти ярим мақомнинг бир мақомини «Рост»ни қоғозга туширган, қолган беш ярим мақомнинг унинг ўғли, машҳур бастакор Расул Мирзо ва хоннинг назорати остида хон созандалари, Комил Хоразмий шогирдлари амалга оширганлар ва Комил Хоразмий ҳаётлигида ниҳоясига етказилди. Отасини эзгу ишини давом этирган Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзо 1922 йилда вафот этган ва ўзининг хусусий мадрасасига дафн қилинган.

Комил Хоразмий ва унинг шогирдлари томонидан халқнинг бебаҳо мулки - мақомларнинг ноталаштирилиши жаҳон мусиқа маданияти хазинасига қўшилган улкан бойлик сифатида эътироф этилди.

**Ота Жалолиддин Назиров.** Ўзбек мусиқа маданиятининг атоқли арбоби, Шашмақом ижросининг билимдони, Ота Жалол Носиров мақомдон устоз сифатида санъаткорлар ва шинавандалар орасида ўз даврида машҳур бўлиб ҳозиргача, унинг муборак номи эъзозланади. Бухорода биринчи мусиқа мактабининг очилиши, Самарқандда мусиқа билим юртининг ташкил топиши, шашмақомнинг ёзиб олиниши ва сақлаб қолиниши унинг номи билан боғлиқдир. Уста Шоди, Домла Ҳалим, Левича ҳофиз, Бобоқул Файзуллаев, Хожи Абдулазиз каби мақом хонандалари Ота Жалол Носировдан таълим олишган. Ота Жалол Носиров 1845 йили Бухоро шаҳрининг Эшон пир маҳалласида таваллуд топган. Унинг оиласи мусиқага мойил бўлиб, акаси Мулла Хайрулло маҳоратли мақом ижрочиси, унинг ўғли Каромат эса, уста камончилардан эди. Ана шу муҳит уни мусиқа билан шуғулланишига шароит яратиб беради. У саккиз ёшидан мусиқа билан шуғулланади ва ўша даврнинг Тиллабой, Мирзо Ҳидоят, Абдурахмонбек,

Мир бобо сингари машхур хонанда ва созандаларидан сабоқ олади. Натижада ёшлигиданоқ шашмақомни тўлиқ ўзлаштириб олди. Унинг даврағини эшитган Амир Музаффархон саройга таклиф этиб сарой ҳофизини этиб тайинлайди. Амир Олимхон даврида эса «Мироҳўр» унвони берилади.

1920 йилда Бухорода «Шарқ мусиқа мактаби» очилиб, бир қанча ҳофиз ва созандалар жалб қилинади ва Ота Жалол Носиров ўзи бош бўлиб шашмақомни ўргата бошлайди. В.А. Успенский Ота Жалол Носиров ва Ота Гиёс Абдуғаниевлардан шашмақомнинг барча туркумларини ёзиб олади. Шашмақомнинг ўша даврда нотага олиниши ва 1924 йилда нашр қилиниши катта воқеа сифатида баҳоланади. Ва кейинги ноталаштириш жараёнларига йўл очиб беради.

Ота Жалол Носиров фақат хонанда ва созанда эмас, балки бастакор сифатида ҳам ижод қилганлиги манбаларда кўрсатилади. Устоз Шашмақомнинг мушкилот қисмларини тартибга солган айрим шўъбаларини кенгайтирган ва қўшимча қисмлар басталаган. Сегоҳ мақоми ижросига савт усули билан бир неча қисмли шўъба басталаган. Ушбу шўъба ижроси «Савти Жалолий» деб номланади.

1925 йилда Ота Жалол Носиров Самарқандга таклиф этилади. Бу ерда ёшларга мақом ижроларини ва йўллариини ўргатади, концертларда иштирок этади. Хожи Абдулазиз, Юнус Ражабий, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шорахим Шоумаровлар билан ижодий мулоқотда бўлди. Ва улар устоздан шашмақом йўллариини ўрганадилар, ва маслаҳатлар олиб турадилар. Ота Жалол Носиров ижрочилик услубидан баҳраманд бўлган ўнлаб шогирдлар кейинчалик мақом ижрочилиги санъатини ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Ота Жалол Носиров мусиқа маданиятимиз тарихидан шашмақом билимдони ва тарғиботчиси, машхур ҳофиз, ва созанда кўплаб мақом ижрочиларининг устози сифатида ўзидан ўчмас ном қолдирган улуг санъаткордир.

**Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов.** Хожи Абдулазиз Абдурасулов машхур ҳофиз ва бастакор сифатида шуҳрат қозонган бўлиб, Самарқанд, шаҳрида Кўк

масжид маҳалласида тўқувчи оиласида таваллуд топган. Унинг мусиқага бўлган ҳаваси ёшлиқдан бошланиб, танбурчи Хожи Раҳимқулга шогирд бўлиб тушади ва мақом йўлларини ижрочиси Борух ҳофиздан ашулалар ўрганади ва бирга куйлай бошлайди. Кейинчалик «Шашмақом»ни мукаммал ўрганиш мақсадида Бухорога бориб, машҳур мақомдон устоз Ота Жалол Носировдан сабоқ олади. Абдулазиз икки марта Маккага ҳаж сафарига боради ва сафар давомида турли миллат куй ва кўшиқлари билан танишади. Хожи Абдулазиз танбурни жуда яхши чертсада, ашулаларни кўпроқ дуэтлар жўрлигида ижро этарди. Унинг дастурларидан юзлаб ашулалар ўрин олган бўлиб, ҳофизликдан ташқари бастакорлик билан ҳам шуғулланарди. У яратган «Гулузорим» «Бозургоний», «Бебоқча» «Қурбон ўлам» ашулалари эл орасида машҳур ижро саналади. 1909 йилда унинг ижросида Рига «Грамафон» фирмаси «Ироқ», «Насруллоий», «Ушшоқлар»ни ёзиб олган. 1928 йилда Самарқанд мусиқа ва хареография институтига ишга олинади ва у ерда бўлғуси машҳур санъаткорлар М.Ашрафий, Т. Содиқов, М.Бурхонов, Д.Зокиров ва бошқалар унинг ижодидан баҳраманд бўладилар. Устоз санъаткор мақом ижроларини бойитиб, жумладан «Ушшоқ»ни «Самарқанд ушшоқи», «Қашқарчаи ушшоқ» йўлларини ва яна бир неча ижроларини яратади. Устоз жуда кўп шогирдлар етиштиради. Машҳур санъаткор Юнус Ражабий шундай эслайди: - Пойтахт Самарқанд шаҳридаги пайтларда, Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, яна бир қанча санъаткорлар Хожи аканинг уйларида яшаб кўшиқ ўрганардик. Мен Хожи ака айтган кўшиқлардан таъсирланиб эрталабгача ухлай олмасдим. Ва бирорта куйни дилимга жойлаш учун секин хиргойи қилиб такрорлардим. Борди-ю, бирор жойни хато қилсам борми, Хожи ака ётган жойида менга қайрилиб, «Ҳой Юнусвой, ундоқ эмас мана бундоқ бўлади» деб ўзлари айтиб берардилар. Хожи Абдулазиз Абдурасулов ижросида қатор кўшиқлар грампластинкаларга, радио тасмаларига ёзиб олинган. Устоз ҳофиз саксон ёшда ҳам 1933 йил феврал ойида бўлган Ўзбекистон санъаткорларини биринчи слётида кўшиқ айтиш бахтига муяссар бўлган. Шу куни хожи Абдулазиз Абдурасулов ва домла Ҳалим Ибодовга «Ўзбекистон халқ ҳофизи»

фахрий унвони берилди. Устознинг табаррук номи мустақиллик йилларида ҳам эҳозланди Президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Унинг номида Самарқанд шаҳрида ёш хонандаларнинг республика кўрик танлови ўтказиб турилади.

**Домла Ҳалим Ибодов.** Анъанавий кўшиқчилик санъатимизнинг ёрқин намоёндаларидан бири Домла Ҳалим Ибодов Бухоро шаҳрида тўқувчи оиласида дунёга келди. Ўн ёшидан таниқли хонанда ва созанда Уста Шароф раҳбарлигида дойра чертиб, халқ кўшиқларини ижро эта бошлади.

Устоз унга секин-аста «Шашмақом» намуналаридан таништира бошлади ва машҳур санъаткорлар Ота Жалол ва Ота Ғиёслар билан яқиндан танишишига ёрдам берди. Ўн саккиз ёшидаёқ Бухорода етук хонанда бўлиб элга танилди. У мақом намуналарини жозибали овози билан ижро этар, шинавандалар қалбида завқ-шавқ уйғотарди. Ўзи устоз бўлиб ёшларга ашула, дойра усулларидан дарс берарди. 1923 йилда Москвада биринчи қишлоқ хўжалик кўргазмасида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Мулла тўйчи Тошмухаммедов, Аҳмаджон Умрзоқов, Шорахим Шоумаров, Гулом Зафарий, Абдуқодир Исмоилов, Тўхтасин Жалиловлар билан биргаликда қатнашиб зўр муваффақиятларга эришди. Сафардан қайтгач, машҳур хонанда ҳақида мана шундай мисралар ҳам битилди:

*Москвага Домла Ҳалим қилди сафар.*

*Кўшиқ билан унда топти кўп зафар.*

1928 йилда Самарқандда муסיқа ва хореография институти очилиши муносабати билан Домла Ҳалим Ибодов бу ерга таклиф қилинади ва муסיқашунос Н. Н. Миронов ундан «Шашмақом»нинг кўпгина намуналарини ёзиб олади. Самарқандда у атоқли бастакор ва хонанда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов билан бирга ҳамнафас бўлиб, жуда кўп концертларда, сайилларда иштирок этди.

Домла Ҳалим Ибодов 1931 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида ишлай бошлади. У ижро этган «Савти Сарвиноз», «Қашқарчайи ушшоқ» «Ироқ»,

«Насруллои», «Мўғулчай дугоҳ», «Тўлқин», «Наврўзи Сабо» сингари ашулалар хозиргача олтин фондда сақланади. 1933-1934 йилларда мусикашунос Е.Е.Романовская Домла Ҳалим ижросида қатор куй ва қўшиқларни, мақом йўллариини ёзиб олади. Устоз қатор анжуманларда жумладан 1932 йилда Республика санъат курултойида, 1936 йилда санъаткорларнинг I-Республика конференциясида, 1937 йилда Москвада биринчи ўзбек декадасида катнашиб, зўр муваффақиятларга эришди.

У жуда кўп иқтидорли шогирдларга устозлик қилди. Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Мутал Бурхонов, Мардон Насимов, Дони Зокиров, Шариф Рамазонов, Набижон Ҳасанов, Олимжон Ҳалимов (хофизнинг ўғли, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор) лар шулар жумласидандир.

Домла Ҳалим Ибодов санъатимиз олдидаги бебаҳо хизматлари учун «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвонига сазовор бўлган. Эндиликда унинг номи билан аталиб келинаётган Бухородаги санъат билим юрти устоз орзу қилган хайрли ишларни адо этиб келмоқда.

Устоз санъаткор, мусиқий маданиятимизнинг атоқли намоёндаси Домла Ҳалим Ибодов 1940 йилда вафот этди. Устознинг мўхтабар номи, мазмундор ҳаётининг саҳифалари мусиқий санъатимиз тарихи зарварақларида жиллоланиб, мангулик касб этиб турибди.

**Тамарахоним.** Тамарахоним аслида арман фарзанди, Боку ишчиси Артём Петросев - унинг отаси бўлиб, 1905 йилги инқилобдан сўнг Туркистонга сургун қилинган ва Фарғона музофотининг Горчаково станциясига келиб ишчи бўлиб ишлаган.

Тамарахоним шу ерда Марғилоннинг Горчаково темир йўл бекати ёнидаги “Пичоқчи” маҳалласида дунёга келган. Оилада ў қиз бўлиб, уларнинг учтаси Тамарахоним, Гавҳархоним, Лизахонимлар санъаткор бўлиб етишдилар. Барчалари халқ артисти унвонига сазовор бўлдилар. Тамарахонимни ва сингилларини дастлаб саҳнага олиб чиққан устоз Юсуфжон Қизик Шакаржонов бўлди. 13 ёшли Тамарахон бошига паранжини

ёпиниб, сингилларини етаклаб ҳовлима-ховли ёвуз кучлардан ўзини яшириб, тандирчилар маҳалласидаги Юсуфжон қизиқ ҳовлисига келиб, лапар, кўшиқ ва рақслар ўрганиб кетарди. Устоз Тамарахонга ўзбек лапар яллаларини рақсга туширтириб ўргатарди. 1926 йилда Марғилонда ташкил этилган ўзбек давлат этнографик ансамблига жалб қилиниб, у ерда Муҳиддин Қори Ёқубов, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов сингари устозлардан таҳлим олди. Сўнгра умр йўлдоши Муҳиддин Қори Ёқубов билан Москвада ўқиди. Улар бирга дуэтлар ижро этардилар. 1925 йилда Парижда жаҳон фестивалида қатнашдилар. Сўнгра жаҳон бўйлаб Тамарахонимнинг гастрол концертлари бошланди. У 60 дан ортиқ давлатларда бўлди. 70 дан ортиқ тилда кўшиқ кўйлаб, рақсга тушди. Тамарахоним лапар жанрига асос солган раққосадир. Бу жанрда лапар ижроси рақс билан уйғунлашиб ажойиб бир жозоба бахш этади. 1935 йилда Лондонда 1 халқаро фестивалнинг олтин медалига сазовор бўлди. Бу медални Англия қироличасининг қўлидан олиш бахтига муяссар бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтчи санъаткорлар труппасида маданий хизмат қилади, капитан ҳарбий унвонига сазовор бўлади. Тамарахоним филармониялар қошида бир неча ашула ва рақс ансамблларини тузди ва умрининг сўнги нафасигача ижод қилди. 90 ёшида Тошкентда вафот этди. Унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, орден ва медаллар берилган. 2001 йилда Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Тошкент шаҳрида унинг уй музейи ишлаб турибди. Бу музейга турли миллат рақсларига мансуб костюмлар, шахсий буюмлар, турли йиллардаги афиша ва расмлар қўйилган бўлиб, халқнинг зиёратгоҳига айланган.

**Ҳалима Носирова.** Ўзбек кўшиқчилиги ва опера санъатига бебаҳо ҳисса қўшган санъаткорлардан бири Ҳалима Носировадир. Ҳалима Носирова айниқса ўзбек опера санъатида алоҳида мактаб яратди ва бу ноёб санъат ривожига улкан ҳисса қўшди.

Ҳалима Носирова 1917 йилда Кўқон яқинидаги тоғлик қишлоқларда таваллуд топди. Отаси Муҳаммадносир ака косиб бўлсада, кўшиқ ва

шехрлардан хабардор бўлиб, ёш Ҳалима қалбида санъатга ҳавас уйғотди. Отасининг бевақт вафотидан сўнг қийин аҳволда қолган оила онаси Хосиятхон ва опалари Ҳожар ва Ойишалар билан Қўқон шаҳрига кўчиб келишади. Ёш Ҳалимани болалар уйига топширишади. 1929 йилда Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга қабул қилинади. Шу ерда Али Ардобус раҳбарлик қилаётган бадий хаваскорлик тўғарагига дугоналари Шоҳида Махсумова, Назира Алиевалар билан қатнай бошлайди. Тезда устозларнинг назарига тушган Ҳалима Носирова 1925 йилда бир гуруҳ ёш санъаткорлар билан Боқудаги театр билим юртига ўқишга юборилади. Иш фаолиятини ҳозирги миллий академик театрда бошлайди. Қатор образларни яратади. Сўнгра Москва Давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида таҳлим олади. 1929-1939 йиллар мобайнида ўзбек мусикали драма театрида ижод қилди ва хилма-хил образларни яратди. 1949 йилдан бошлаб то кучдан қолгунга қадар А. Навоий номидаги ўзбек опера ва балет академик театрида ижод қилди ва ушбу қутлуғ даргоҳида ўз ижрочилик мактабини яратди. “Лайли ва Мажнун”, “Гулсара”, “Кармен”, “Бўрон”, “Майсаранинг иши”, “Зайнаб ва Омон”, “Хоразм қўшиғи”, “Улуғбек” сингари ўнлаб опералардан бош образларни қўшиқларини куйлади. Ҳалима Носирова ўзбек миллий ашула ва қўшиқларини бетакрор ижрочисидир. Унинг ижросида “Ушшоқ”, “Чоргоҳ”, “Баёт”, сингари халқ ашулалари алоҳида ўзига хос услуб билан ижро этилади.

Мен ўзбек куй ва ашулаларини, мақомларини сеvimли ҳофизларимиз ва устоз созандаларимиз Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз, Муҳиддин Қори Ёқубов, Домла Ҳалим Ибодов, Юсуфжон Қизик, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Мадраҳим Шерозийдан ўргандим, - дейди Ҳалима Носирова. Санъаткор тушунчасида қўшиқ инсоннинг меҳнатида, ҳаётида, тақдирида доимий йўлдошидир. Халқнинг сеvimли санъаткори Ҳалима Носирова катта Фарғона, Тошкент, Лоғон, Чирчиқ каналлари, Каттакўрғон сув омбори, Фарход ГЭС қурилишларида. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, чўлларини ўзлаштиришда,



дахшатли уруш йилларида халқ руҳини кўтаришда ўз санъати билан фаол қатнашди.

Ҳалима Носирова “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Асал”, “Фронтга совға”, “Мафтунингман”, филмларида образлар яратди ва кино соҳасига ҳам ҳисса қўшди. Ҳалима Носированинг ёрқин санъати ва истехдодидан таъсирланган бир қанча хорижий танқидчилар унинг санъатига юксак баҳо берганлар. Сурияда чиқадиган «Лисон аш шааб», ва Ҳиндистонда босиладиган “Стейтмен” газеталари ўзбек қўшиқчисини ниҳоятда ёқимли ва жозибадор, дилларни ром қилувчи овози ҳақида 1956 йилда самимий сатрларни ёзган. Унинг булбулсифат овози ўзбек санъаткори тимсолида Ҳиндистон, Бирма, Ливан, Миср, Эрон, Хитой, Канада каби ўнлаб мамлакатларда ёйилган. Ҳалима Носирова ҳаётлигидаёқ икки ажойиб нарсаси билан ўзига ҳайкал ўрнатди. Бири чинакам халқчил санъати, иккинчиси шогирдлари, издошлари билан улуғ бахтга эришганлигидир.

Унинг санъатдаги хизматлари муносиб баҳоланган бўлиб, “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонига сазовор бўлди. Мустақиллик шарофати билан “Буюк хизматлари учун” орденини кўкрагига тақиш бахтига муяссар бўлди.

Ўзбек санъатининг улуғ намояндаси, бетакрор овоз соҳибаси Ҳалима Носирова 90 ёш умр кўриб 2007 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди.

**Комилжон Отаниёзов.** Хоразм анъанавий қўшиқчилик санъатининг машҳур намояндаси Комилжон Отаниёзов 1917 йил июл ойида Хоразм воҳаси Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Отаниёз қори Охун Полвонниёз ўғли Хивадаги Арабхон мадрасасида мударрислик қилган бўлиб, Ниёзий тахаллуси билан ғазаллар ёзиб бир неча девон чоп эттирган. Ёш Комилжон Матпано ота, Матёқуб Ҳарратов, Ҳожихон Болтаев, Маткарим ҳофиз, Мадраҳим Шерозий, Бола Бахши сингари устозлардан сабоқ олган, тез орада ўзи ҳам машҳур ҳофиз бўлиб танилади. Хоразм мақомларини, дostonларини ижро этиш билан бирга ўзига хос шундай янги бир услуб яратдики, у яратган қўшиқлар ҳозиргача ҳофизларимиз томонидан севиб куйланади, Унинг қўшиқлар дастури жуда

салмоқли бўлиб, юзлаб кўшиқларни ўз ичига олган эди. «Хоразм сегоҳи», «Ўлтурғиси», «Чоргоҳ», «Феруз I-II-III», «Сувора», «Ошиқ бўлмишам», «На тилар мандан», «Салом сизга Хоразмдан», «Айрилма», «Насиҳат», «Хуш келдингиз», «Салламно», «Найларам» сингари кўшиқлари шулар жумласидандир. Унинг дастуридан қорақалпоқ, туркман, тожик, қозоқ, ҳинд, озарбайжон кўшиқлари ҳам кенг ўрин олган бўлиб, ҳофиз кўшиқ айтиш билан бирга дидли ғазаллар ҳам басталар эди. У 1952-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида таълим олди, бастакорлик йўлларини ўрганди. А. Степанов, С. Ҳайитбоев билан ҳамкорликда «Азиз ва Санам», «Ошиқ Ғариб», «Сўнгги хон» драмаларига мусикалар басталади. Комилжон Отаниёзов Огаҳий номли Хоразм вилоят театрида актёр сифатида қатор ажойиб образлар яратган. «Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳод, «Тоҳир ва Зухра»даги Тоҳир образлари ажиб бир сайқал топганким, ҳали-ҳалигача кўрган одамлар ҳавас билан эслайдилар.

Комилжон Отаниёзов баланд ва кенг қамровли овози, юксак ижрочилик маданияти билан ўзбек кўшиқчилилик санъатини оламга ёйди. У. Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Комбоджа, Таиландда гастролларда бўлиб, юз минглаб одамларни ўз санъатидан баҳраманд этди.

Комилжон ака жуда кўп шогирдлар етиштирди. Хоразм мусиқа санъатини 50-60 йиллардаги ривожини Комилжон аканинг номи билан боғлиқ.

Устоз жуда кўп ашула ва рақс ансамбллари ташкиллаб унга бадиий раҳбарлик қилди. Комилжон Отаниёзовга Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти фахрий унвонлари берилган. Унинг жўшиб куйлаган кўшиқлари, ҳозиргача мухлислар қалбини ром этиб келмоқда.

Эл суйган ҳофиз Комилжон Отаниёзов 58 йил умр кўриб 1975 йилда вафот этди. Урганч туманидаги Иморат бува қабристонига, отаси Ниёзий ёнига дафн қилинган. Унинг номи мактабларга, кўчаларга, филармония, ансамблларга берилиб абадийлаштирилган. Мустақиллик йилларида Президентимиз фармонида биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

**Матниёз Юсупов.** Хоразм мақомларини Матпано ота, Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлардан ўрганиб нотага олган, уни аввал бир жилд, кейин 1980 йилда уч жилдлик этиб чоп қилдирган улкан бастакор, муסיқий маданиятимизнинг улкан арбоби Матниёз Юсуповдир.

Матниёз Юсупов 1925 йилнинг 1 январиди Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Ниёзматарбоб мавзеҳида таваллуд топди. Унинг зеҳни ўткирлигидан 15 ёшидаёқ вилоят эстрадасига муסיқачи бўлиб ишга киради. 1943 йили иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб, бир оёғидан айрилиб қайтади. Сўнгра вилоят театрига ишга таклиф қилинади ва Худоберган Муҳрканнинг ўғли Матпано отадан бир гуруҳ санъаткорлар билан биргаликда Хоразм мақом йўлларини ўргана бошлайди. Ўн йилга яқин давр ичида у моҳир ғижжакчи сифатида мақом, халқ достончилиқ йўлларини мукамал ижро этга бошлади. 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент муסיқа билим юртига ўқишга кириб, бу даргоҳни муваффақиятли тамомлагач 1955 йили Тошкент Давлат консерваториясининг композиторлик факултетига ўқишга киради ва уни композитор Зейдман раҳбарлигида 1960 йили тугатади. Табиатан мулойим, очиқ юзли, истараси иссиқ, юзларидан доимо нур ёғилиб турадиган Матниёз Юсупов тезда халқ оғзига, ижодкорлар назарига тушади. Республика радиосидан тез-тез унинг хуш овозлари янграб, у басталаган кўшиқлар ижро қилина бошлайди. Матниёз Юсупов Консерваторияда ўқиган йиллари драма асарларига муסיқа басталайди. 1961 йили унинг «Ғазал фожиаси» муסיқий асари сахналаштирилади. Шунингдек Ҳамид Ғуломнинг «Дил кўзгуси», Айёмийнинг, «Тун ва Нохун», Ҳайитмат Расулнинг, «Муқаддас диёр» ва бошқа қатор драмаларга куйлар басталади.

У устозлардан ёзиб олган Хоразм мақомларини 1959-1960 йиллари 1-2 жилдларини чоп қилдирди.

Матниёз Юсупов 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида катта муҳаррир, ундан кейинги йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент санъат

институтида ва А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институтларида устозлик қилиб, профессор илмий даражасини олади. Матниёз Юсуповнинг энг баракали ижод маҳсули сифатида ў жилдда «Хоразм мақомлари» нинг 1980 йили чоп этилишидир. У «Ўзбекистонда радиосида катта муҳаррир, ундан кейинги йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида ва А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институтларида устозлик қилиб, профессор илмий даражасини олади. Матниёз Юсуповнинг энг баракали ижод маҳсули сифатида ў жилдда «Хоразм мақомлари» нинг 1980 йили чоп этилишидир. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига мушарраф бўлган улкан санъаткордир.

У бутун ижоди давомида ўнлаб кўшиқлар, симфоник асарлар ва поэмалар яратди. Кенг диапазонли, ёқимли овози билан мақомлар ижро этди. Бутун умрини мусиқа илмига бахшида этган Матниёз Юсупов 1997 йилда оламдан ўтди. Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн қилинган.

## **II – БОБ: МИЛЛИЙ ХОНАНДАЛИК САНЪАТИ РИВОЖЛАНИШИДА ТОШКЕНТ-ФАРҒОНА ХОНАНДАЛИК УСЛУБЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.**

### **2.1. Тошкент-Фарғона хонандалик услублари.**

Фарғона – Тошкент мусиқа услубида хотин-қизлар ижоди унумли бўлиб, улар орасида жумладан, тарафма-тараф айтишлар, турли кўшиқларни куйлаш, тўй маросими айтишлари бўлган ёр-ёр, келин салом ва уларни куйлаш оммавий тус олган. Булар ичида айниқса, яллалар кўпроқ ижро этилади. Ялла – бу банд-нақорат шаклига эга айтим бўлиб, у рақсга тушиб куйланади. Яккаҳон яллаци джойра жўрлигида рақсга тушиб бандларни куйласа, нақоратни эса даврада ҳозир бўлганлар кўшилиб айтади. Якка ҳолдаги яллаци одатда, ўз айтишларига дутор ёки дойра созида жўр бўлади. Яллачилар ансамбли эса 2-3 аёлдан иборат бўлиб, фақат дойра жўрлигида куйлайдилар. Хотин-қизлар даврасида ҳозир бўлган яллачиларнинг репертуари асосан кўшиқ, лапар, ялла ва тўй маросими айтимларидан тузилган бўлади. Ҳадяхон Ҳамдамова, Лутфихоним Саримсоқова, Раҳимак Мазоҳидова ва Ойимқиз Тўхтаевалар яллачилик санъатининг моҳир ижрочиларидир.

Яллачиликнинг яна бир кўриниши ҳам бор. У Наманганда “Сатанг” яллачилар туркуми шаклида бўлган, яъни икки қисм ва ундан ортиқ бўлган. Улар катта яллаларни дойра жўрлигида рақсга тушиб айтганлар. Холисхон Қирғизбоева ва Салтанатхон Алиевалар Наманганда таниқли сатанг яллачилардандир.

Фарғона –Тошкент мусиқа услубида халқ ашулалари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ашулалар терма, лапар, кўшиқ сингари айтишларга нисбатан овоз доирасининг кенглиги ҳамда куйчан, сўлим оҳанглари билан ажралиб туради. Халқ ашулалари бармоқ вазнида бўлган халқ шеърлари ёки аруз

вазнидаги мумтоз шеърят асосида айтилади. Ашулалар ижод этилишига кўра икки хил бўлиши мумкин:

1. Халқ оғзаки мусиқа ижодида юзага келган ашулалар.
2. Касбий мусиқага оид устоз бастакорлар томонидан ижод этилган ашулалар.

“Тановар”, “Эй нозанин”, Ойдек тўлибдур”, Фарғона”, “Ул париваш” сингари халқ ашулалари нафақат ҳофизу ашулачилар, балки зиёлилар, хунармандлар, косиблар ва бошқа касб эгалари томонидан ҳам ижро этиб келинади. Шунингдек, бу турдаги ашулаплар хотин-қизлар томонидан ҳам ичкарида куйланган. Жумладан, “Чаман ичра”, “Тановар”нинг “Қора сочим” каби ашула йўллари дутор жўрлигида хотин-қизлар томонидан ижро этилиб келинмоқда. Айни вақтда “Нигорим”, “Тандир”, “Нисор”, “Белбоқча”, “Фигон”, “Чаман ялла” сингари ашулаларни асосан касбий мусиқачилар бўлган ҳофиз-ашулачилар куйлашади. Бунда танбур, дутор жўровозлиги кўп қўлланилади. Ашулалар анъанага кўра турли йиғин ва мажлисларда, тўй маросимлари ва бошқа халқ тантаналарида ижро этилган. Чойхоналарда эса ашулачиларнинг ижодий мусобақалари ҳам ўтказиб турилган.

Тошкент ва Фарғона водийси бўйлаб кенг тарқалган ҳамда мусиқа амалиётида жорий этилган мақом йўлларига нисбатан “Фарғона – Тошкент мақом йўллари” ибораси қўлланилади. Бу мақомлар Бухоро шашмақоми ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ бир туркумни ташкил этмай, алоҳида-алоҳида чолғу куй ва ашула йўлларида ташкил топади. Хусусан, “Насрулло I–IV”, “Муножот I–IV”, “Ажам ва тароналар”, “Сегоҳ I–III”, “Чўлу Ироқ”, “Митскин каби чолғу куйлари, “Чоргоҳ I–V”, “Баёт I–V”, “Баёти Шерозий I–V”, “Кўча боғи I–II”, “Гулёр Шахноз I–V”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ ҳусайний I–VI”, “ТОшкент Ироғи” ва яна шуларга ўхшаш бошқа ашула йўллари ТОшкет-Фарғона мақом йўлларига мансубдир. Анъанавий ижрога кўра бу турдаги мақомларнинг чолғу куйлари икки хил соз – дутор, танбур, ғижжакда ёки танбур , дутор, най, ғижжак, дойра чолғуларидан иборат ансамбл шаклида чалинган. Ашула йўллари эса ҳофизлар томонидан танбур ёки чолғулар

ансамбли жўрлигида айтилади. Ушбу мақом ашула йўллари Навоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Машраб, Муқимий ва бошқа мумтоз шоирларнинг шеърлари асосида куйланади.

XX асрнинг 20-30- йилларида устозлар мазкур тизимга нисбатан “Шашмақом”, “Олти ярим мақом”га ўхшатиб, “Чор мақом”, яъни тўрт мақом атамасини ҳам қўллаганлар ва унинг таркибида “Баёт”, “Дугоҳ Хусайний”, “Чоргоҳ” ва “Гулёр Шаҳноз” номлари билан юритиладиган бирикмаларни тушунганлар. Фарғона – Тошкент Чормақоми, Шашмақом ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ, қисмлари бир-бирига вобаста қилинган туркум шаклида эмас, балки умумий ном остида келадиган мустақил куй йўллари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра улар “Дугоҳ I”, “Дугоҳ II”, “Дугоҳ III”, ёки “Баёт I”, “Баёт II”, “Баёт III” каби тартиб сонлари билан белгиланади.

XIX аср охири ва XX аср бошида Тошкент ва Фарғона мақомларининг ҳар бири алоҳида мактаб сифатида кўрилиб, мустақил номлар билан юритилган. Жумладан, “Тошкент мақомлари”, “Туркистон мақомлари” ва “Фарғона мақомлари” каби тушунчалар истеъмолда юрган. Исчҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” китоби пайдо бўлишидан бошлаб мақомотни ягона тизим шаклида кўрсатиш мақсадида “Шашмақом” ва “Хоразм мақомлари” билан бир қаторда “Фарғона – Тошкент мақом йўллари” атамаси муқимлаша бошлади.

Тарихий китоблар, мусиқий рисолаларда Фарғона водийси ҳамда Тошкентдан чиққан етук хонанда ва созандаларнинг номлари кўплаб тилга олинади. Уларнинг санъати маҳаллий доирадан анча кенг ва бутун Марказий Осиё минтақасида шуҳрат топган. XVIII асрнинг охирига келиб, Қўқон хонлиги алоҳида давлат сифатида таркиб топиши билан Фарғона ва Тошкент воҳалари унинг асосий ўзаги сифатида ягона маданий-маъмурий доирани ташкил эта бошлайди. Ана шу муҳитда шеърят, мусиқа, меъморчилик ва бошқа амалий санъат турларида ўзига хос услуб юзага келиши ва тақуомиллашувига замин ҳозирланади.

Муҳаммад Умархон етук давлат арбоби ва замонасининг энг илғор вакилларида бўлиб, унинг Амирий тахаллусида ёзган девони кенг эътибор топган. Шоирнинг умр йўлдоши Нодира тахаллуси билан ижод этган Моҳларбегим ҳам ўзбек шеъриятининг йирик намояндасидир. Амирий ва Нодира – Шарқнинг энг мумтоз шоирлари қаторидан ўрин олади. Уларнинг ўзбек ва тожик тилларидаги ғазаллари нафақат Фарғона-Тошкент воҳалари, балки Бухоро, Хоразм ҳофизлари орасида ҳам кенг тарқалган. Умархон ва Нодираларнинг фарзанди Мадалихон ҳам илму-маърифатга, нафис санъатларга кўнгили қўйганлиги маълум.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Қўқонда Фазлий Намангоний бошчилигида кўплаб сарой шоирлари фаолият кўрсатган. Шу билан бир қаторда мусиқага ҳам катта эътибор берилган, иқтидорли созанда, хонанда ва бастакорлар хизматга жалб этилган. Энг муҳими, сарой муҳитида мумтоз шеърият ҳамда мусиқа уйғунлигида мақом йўллариининг илмий-амалий асослари ишлаб чиқилган. Шу жараённинг бошида турган созандаларнинг номлари ҳам тарихда сақланиб қолган. Агар Бухоро шашмақомининг тарихини Ота Жалолдан, Хоразм мақомлариники Ниёзжон Хўжадан боўланади десак, Фарғона-Тошкент йўллариининг Гулом Зафарий тузган шажараси Худойберди устоздан сарҳисоб қилинишини эътироф этиш зарур.

Бутун умри давомида Фарғона ва Тошкентнинг ҳофизу созандалари билан яқин мулоқотда яшаган таниқли шоир ва драматург Собир Абдулла тарихнинг пухта билимдони ҳисобланади. У Фарғонада XIX асрнинг ўрталарида юз берган реал воқеалардан келиб чиқиб, “Санъатимиз тарихига бир назар” деб номланувчи кичик шеърий дoston яратган:

Худойберди устоз чикди хонларнинг замонида,

Хоразмдан Қашқаргача босиб ўтди пиёда.

Ашурали шогирдини эргаштириб ёнида,

Куй ташиди юртдан-юртга кенг Ўрта Осиёда.

Қашқар бориб куй ўрганди, Фарғонага кетирди,

Фарғонадан Хоразмга куй ташиди бу устоз.



Хоразмнинг шоҳ куйларин Тошкент сари етирди,  
Соз қўлтиқлаб Қорақумда сувсиз, нонсиз иссиқ-ёз.

Зебо пари танбур чертса булбул кўниб созига,  
Халқ тўпланди қайда бўлса Фарғонага донг солди.  
Ҳурмат ортди нозик нохун “ним парда” устозига,  
Бир гузардан ўтар бўлса халқ ҳурматин кўзғолди.

Мулла Тўйчи излаб борди Мадумарни Тошкентдан,  
Шогирд бўлди Мадумарга истеъдодли ёш хофиз.

Мулла Тўйси қатнаб кўп йил дўстлик қилди яқиндан,  
Устозлардан устоз чиқиб шу излардан қолди из.

Фарғона Тошкент йўллари ҳали тўла қонли истеъмолда бўлиб, доимий ижро этилиб юрганда Фарғона водийсидан чиққан Ахмаджон Умрзоқов, Ашурали Одилов, Абдуқодир Исмоилов, Уста Рўзматхон Исабоев, Муҳиддин Ҳожи, Ҳайит Охун, Беркинбой Файзиев, Жўраҳон Султоновлар шуҳрат қозонган. Тошкент ва унинг атрофларида етишган Султонхон танбурчи, Мулла Тўйчи, Шораҳим Шоумаров, Бобоҳон ва Акмалхон Сўпихонов бу мактабнинг энг кўзга кўринган вакиллари бўлиб ҳисобланганлар. Кейинчалик Тошкент мақом мактаби намояндалари сифатида ака-ука Шоакбар, Шоолим Шожалоловлар фаолият кўрсатдилар. Сўпихоновлар ва Шожалиловларнинг фарзандлари бугунги кунда мумтоз анъаналарнинг давомчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Фарғона – Тошкент мусиқа йўлларининг 1930 йиллардан кейинги тарихи созандалар ва хонандаларнинг хотирасида ва ижролари битилган нота ва аудио ёзувларида сақланиб келинмоқда. Ана шу хилма-хил маълумот ва далилларни бир бутун анъана сифатида ўрганиш Фарғона – Тошкент йўлларининг мақомот тизимидаги ўрни ва аҳамиятини тушунишга ёрдам беради.

## **2.2. Тошкент-Фарғона кўшиқчилик услуби намояндалари ижодий фаолиятларининг аҳамияти.**

**Мулла Тўйчи Тошмухаммедов.** Ўзбек кўшиқчилик санъатида ўзидан ўчмас из қолдирган машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмухаммедов Тошкент шахрининг «Гулбозор» маҳалласида бўзчи оиласида таваллуд топган. Дастлаб Абдулла Қори мактабида таҳсил олган ва исломий илмлар билан бир қаторда Шерозий, Машраб, Фузулий, Ҳувайдо, ғазалларини тинмай мутоала қилади. Ундаги санъатга бўлган ҳавас ўқиган ғазаллари ва ҳофизларнинг хонишлари орқали уйғонади, ўзи ҳам шу йўлни танлайди.

Дастлабки мусиқа таҳлимини амакиси Уста Қўчқордан олади. Сўнгра устози Убайдулло Андалибдан кўшиқ айтиш сирларини ўрганади. Аста секин Тошкент ҳофизларини назарига туша бошлайди. Шобарот танбурчи, Шожалил ҳофиз, Муҳаммад Умар, Абдуқаҳҳор ва Назархон ҳофизлар билан бирга ижод қилиб, ашула йўлларини ўрганади. Тез орада сайл ва тўйларда йиғинларда қатнашиб, эл оғзига тушади. Замондош шоирлар Камий, Мискин, Хислатлар билан ҳамкорликда ижод қилиб, улар иштирокидаги йиғинларда қатнашади ва Бухоро, Самарканд, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларига ҳам бориб ашула йўлларини ўрганади, ўзига хос ашулачилик услубини яратади. Шоир Хислат Мулла Тўйчи ҳофизга атаб «Армуғоний Хислат» девонини тузган. Ушбу девондаги барча ғазаллар ҳофиз томонидан ижро этилган.

1904-1907 йилларда ўзбек халқининг куй ашула ва мақомлари биринчи марта грамафон пластинкасига ёзилади. Тўйчи ҳофиз ижросида «Дугоҳ Хусайн», «Чоргоҳ», «Баёт», «Ушшоқ», «Гиря», «Дилхирож», «Гулёр шахноз», «Кўчабоғи», «Эшвой», «Курт» сингари ашулалар пластинкага

ёзилади. 1905- йилда ёзилган «Баёт» туркумлари пластинкаси ушбу сатрлар муаллифида сақланади. Тўйчи ҳофиз тез-тез сафарларда бўлиб фақат Ўзбекистон ва қўшни республикаларда эмас, Шарқ мамлакатларида ҳам танилди.

Айниқса, шарқий Туркистонда, Қашқарда жуда машҳур эди. 60 йиллик ижодий фаолиятини санъатга бағишлади ва халқ хурматиغا сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти унвонига мушарраф бўлди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабий, Акбар Ҳайдаров, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Турғун Каримов сингари машҳур ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов мактабининг вакиллари дир.

**Мадали Ҳофиз Раҳматулло ўғли.** Фарғона анъанавий ижрочилигининг моҳир билимдони Мадали ҳофиз Шаҳрихон шаҳрида туғилди. Отаси асли қосиб бўлиб, диний илмларни пухта эгаллагани учун Раҳматилло Қори номи билан машҳур эди. Ўғли Мадалибекни ҳам қосибликка берди. Лекин қўшиққа бўлган ҳавас уни машҳур танбурчи ҳофиз Нуруҳун акага эргаштирди. Замондош шоирлар Оразий, Ҳайратийлар билан ҳамкорлик қилади. Ўша даврда Марғилонда гуллаб яшнаган маданий муҳит уни ўзига чорлади ва шу ердан уйланиб, муқим яшаб қолди. Бу ерда Юсуф қизик, Матҳолик ҳофиз сингари санъат дарғалари билан яқиндан танишди. Унинг овози шу қадар баланд бўлган эканки, «Мадали ҳофиз Марғилонда қўшиқ айтса, Симда - Фарғонада эштилади», - деган ибора халқ ичида машҳур бўлган.

Муқимий, Завқий, Ҳазиний, Писандий, Рожий каби машҳур шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилади. Уларнинг ғазаллари замирида қатор қўшиқ ва яллалар яратади. Айниқса, Муқимий ғазаллари билан айтиладиган «Абдурахмонбеги» қўшиқлар мажмуаси ҳозиргача севиб куйланади. Ҳофиз «Чормақом»нинг машҳур ижрочиси сифатида халқ орасида машҳур бўлган.

Мадали ҳофиз «Қаландар»лар, «Тановор»лар, қўшиқ ва яллаларни тўплаб ўзи ижро қилди ва шогирдларга ўргатди. Ҳатто Мулла Тўйчи

Тошмухаммедов ҳам Мадали ҳофизнинг олдига келиб кўшиқлар ўрганиб кетар экан. Бунинг далили сифатида Мулла Тўйчи ҳофиз Мадали ҳофизга шоир Хислатнинг «Армуғони Хислат» баёзани совға тариқасида бериб кетган экан. Бу баёз ҳозиргача устознинг фарзандларида сақланиб келади. Мадали ҳофиз ўзбек кўшбиқчилик санъатига ялла йўллари олиб кирди. «Шошмақом»нинг «Бузрук» мақомидаги «Савти сарвиноз» ҳамда «Сегоҳ» шўҳбаларининг муаллифи сифатида, Мадалибек номи «Ўзбек халқ мусикаси» китобида кўрсатиб ўтилган.

1912 йилда «Роберт Кенц» фирмаси экспедицияси даврида ҳофизнинг «Абдурахмонбеги» кўшиқлар мажмуасини пластинкага ёзиб олади. Бу пластинка ҳозиргача ҳофизнинг ўғли, таниқли бастакор Мамасиддиқ Мадалиевда сақланади. Мадали ҳофиз ҳар бир кўшиқни талабчанлик билан моҳирона ижро этгани ва шогирдларидан ҳам шундай талаб қилгани учун «Ноёб» деган таҳаллусга эга бўлган эди. Мадали ҳофиз олтмиш уч йил умр кўриб, Марғилон шаҳрида вафот этди. Ўзининг васиятига кўра Хўжамаҳоз мазорига дафн этилган.

**Муҳиддин Қори Ёқубов.** Муҳиддин Қори Ёқубов ўзбек маданиятининг атоқли арбобларидан биридир. Машҳур санъат намоёнчасини ҳаёти ва ижодини яхлитича олиб қаралса, халқимиз ҳаёти, орзу-умидлари, интилишлари, халқ санъатининг ривожини босқичлари билан узвий боғлиқлигини кузатамиз. Бу жараёнда ҳамisha олдинги сафда бўлганлигига гувоҳ бўламиз. У санъат таракқиёти йўлида борлигини сарфлаган, маданият ва санъатимизнинг ташкилотчиларидан биридир.

Муҳиддин Қори Ёқубов Фарғона музофотининг Ёрмозор қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси зиёли одам бўлиб, ўғлини исломий ва замонавий билимлар эгаси бўлишига ҳаракат қилди ва Фарғона шаҳрининг маданият масканларига кўпроқ жалб қилди. Ёшлигиданоқ европа маданиятини ўзида акс эттирган Фарғона шаҳрининг маданий ҳаёти билан қизиқди ва тўғаракларга, жумладан мусиқа тўғаракларига қатнаша бошлади.

Нота ёзувини ўрганади, дамли созлар оркестрида мусиқа асбоблари чалишни ўрганади.

1916 йилда М.Қори Ёқубов Фарғонада бир гуруҳ ҳаваскор ёшлардан иборат чолғу асбоблар тўғарагини ташкил қилди. Бу тўғарақда миллий чолғу асбоблари билан бир қаторда, европа мусиқа асбобларини чаладиган маҳаллий ёшлар ҳам бор эди. 1918 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан танишади ва бу учрашув унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар биргаликда театр труппасини ташкил этадилар ва «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожеаси», «Тухматчилар жазоси» пەҳсаларини саҳналаштирадилар ва улардаги бош ролларни М.Қори Ёқубов ижро этади.

1923 йилда мусиқа ва ижрочилик санъатини ривожлантиришдаги, маданий ҳаётдаги ютуқларни кенг ташвиқот қилишдаги хизматлари учун унга «Туркистоннинг биринчи халқ хофизини» унвони берилди. Ўша даврда М.Қори Ёқубов «Шарқ кечалари» деб номланган концерт дастури билан турли шаҳарлардаги концертларда қатнашар ва «Ушшоқ», «Фигон», «Баёт», «Кўчабоғ», «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Эшвой», «Йўл бўлсин» ашулаларини айтиб олқишларга сазовор бўлар эди. 1925 йили Тамарахоним билан Парижда жаҳон санъат кўрғазмасида иштирок этади. Сўнг Берлинга таклиф қилиниб машҳур Бетховен залида концерт беради. Ўша йили Берлиндаги «Фосише, цейтуг» газетаси ўзбек санъаткорининг ижросига шундай баҳо берган эди: - «Ўзбек хонандаси Муҳиддин Қори Ёқубовнинг ижроси айниқса катта таассурот қолдирди. Бу санъаткорлар Европанинг катта шаҳарларига ташриф буюрди. Кўзлаган мақсади ўз халқининг ноёб санъатига қизиқиш уйғотишдир. Унинг репертуарида ҳали нотага ёзиб олинмаган икки юздан зиёд асрий кўшиқлар мавжуддир. У Париждан Берлинга келиб маҳаллий аҳоли олдида ўз кўшиқларини ижро этди. Уни ниҳоятда қизгин ва ҳаяжонли кутиб олдилар».

Муҳиддин Қори Ёқубов 1926 йили Марғилонда ўзбек этнографик ансамблини ташкил этади ва машҳур санъаткорларни бирлаштириб, барча вилоятларда, собиқ иттифокнинг ўнлаб шаҳарларида жумладан, Москва

шаҳрида ижодий сафарда бўлади. Сўнгра Москвада қ йил машҳур режиссёр Майерхолрд студиясида таҳлим олади. 1929 йилда Муҳиддин Қори Ёқубов ташаббуси билан Давлат этнографик ансамбли биринчи Ўзбек мусикали театрига айлантирилди. Ушбу театрга Ҳ.Носирова, К.Зокиров, Л.Саримсоқова, Б.Мирзаев, Тамарахоним, М.Турғунбоева, М.Ашрафий сингари санъаткорлар жалб қилинди ва шу йўсинда ўзбек миллий операсини яратишга замин тайёрланди. Кейинчалик шу сахнада «Ер тарғин», «Бўрон», «Лайли ва Мажнун», «Маҳмуд Торобий», «Улуғ канол», «Фарход ва Ширин», «Улуғбек», каби операларда етакчи партияларни ижро этди.

Ўзбекистон Давлат филармониясининг ташкил этилишида ҳам Муҳиддин Қори Ёқубовнинг хизматлари катта бўлди. 1936-1947 йилларда филармониянинг директори ва бадиий раҳбари бўлиб ишлади, жуда кўп санъаткорларни бу даргоҳга жалб этди, ёш ижодкорларга устозлик қилди. Ўзи ҳам сахнага чиқиб «Илила ёрим», «Ғайра-ғайра», «Билакузук», «Олмача анор», «Сув бўйида» каби халқ кўшиқ, лапар ва ҳажвий айтишувларини моҳирлик билан ижро этди. Ҳозирда бу жамоа унинг номи билан аталади. 1937 йилда Муҳиддин Қори Ёқубовга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Собиқ шўро сиёсати шундай буюк санъаткорни ҳам ўз домига тортади ва умрининг сўнгги бир неча йилини қамокда ўтказди. Қамокдан қайтиб келгач, дардга чалиниб, 1957 йил ғ февралда вафот этади. Улуғ мустақиллик шарофати билан ўзбек санъатининг бу фидойисига Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Бутун умрини халқ санъати ривожига бағишлаган бу фидойи санъаткорнинг номи тарих зарварақларида ҳамиша нур сочиб туради.

**Тўхтасин Жалилов.** Ўзбек мусиқий санъатининг йирик намояндаси машҳур бастакор, Тўхтасин Жалилов Андижон шаҳрида таваллуд топди. У оддий оиладан бўлиб, ёшлиги кўп ҳаёт қийинчиликларига дуч келди ва тирикчилик йўлида турли хонадонларда халфа бўлиб хизмат қилди. Андижонда машҳур Саидхон тўра хонадонида бўладиган суҳбатлар ва

санъаткорлар иштироки ёш Тўхтасинда мусиқага ихлос уйғотади ва шу йўлни танлайди. «Толзор» чойхонасида водийлик хонанда ва созандалар иштирокидаги йиғинларда доим қатнашар, Ашурали хофиз, Дехқонбой, Ҳайит Охун танбурчиларни ва водийнинг турли жойларидан келган санъаткорлар ашулаларини тингларди. Ёш Тўхтасин кўқонлик Юсуфжон чангчини назарига тушади ва ундан мусиқа созларини парда тузилишларини ўргана бошлайди. Ғижжак, дутор, танбур созларини кунт билан ўрганайди. 1919 йилда Андижон шаҳрида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан тузилган ташвиқот ансамблига таклиф қилинади ва Орифжон дуторчи, Ёқубжон чангчи, Зокир эшон доирачи, Беркинбой Файзиевлар билан ижрочилик малакасини ошириб боради. Орифжон дуторчи (гармон), Рустам Мехтар сингари таниқли созандалардан сабоқ олади. Тўхтасин Жалилов ижоди давомида жуда кўп ансамблларда меҳнат қилди ва машҳурлик даражасига кўтарилди. 1926 йилда тузилган ўзбек давлат этнографик ансамблида созанда, 1929 йилда Андижон театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. 1935 йилда Лондонда бўлиб ўтган фестивалда қатнашиб, уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Тамарахонимлар билан қатта муваффақиятга эришади. 1937 йилда Москвада ўтказилган биринчи ўзбек санъат ва адабиёт декадасида қатнашиш учун ўзбек давлат филармонияси қошида ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади ва Тўхтасин Жалилов бунга бадиий раҳбар этиб тайинланади. Декададан сўнг ансамбл билан собиқ иттифоқнинг жуда кўп шаҳарларида, гастрол сафарларида бўлади. Бу ансамбл ўз даврида юзга яқин хонанда, созанда, раққосаларни ўз ичига олган эди. 1940 йилда ўзбек мусиқали драма ва комедия театри ташкил қилиниб, Тўхтасин Жалилов бадиий раҳбар этиб тайинланади. Сўнгра бу театрға Муқимий номи берилади. Тўхтасин Жалилов бутун ижоди давомида 40 дан ортиқ мусиқали драма ва 200 дан ортиқ куй ва кўшиқлар яратди. Унинг барча яратган кўшиқ, куй, арияларида халқоналик акс этган бўлиб, халқ ашулалари ва куйларидан моҳирона фойдаланганлиги, халқ ижро йўллари яхши билганлигидан далолат беради. У яратган «Тоҳир ва Зухра», «Гулсара», «Ҳалима»,

«Нурхон», «Алпомиш», «Муқимий», «Равшан ваЗулхумор», «Лайли ва Мажнун», «Гул ва Наврўз» сингари мусиқали драмалари ўзбек театр санъатининг ривожига муҳим аҳамиятга эгадир. «Кокилинг», «Довруғ», «Сигнал», «Гулистоним менинг», сингари юзлаб кўшиқ ва куйлари хонандалар ва созандалар томонидан севиб куйланади ва ижро этилади. Устоз кўплаб шогирдлар етиштирди. Мамадазиз Ниёзов, Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Мирзажон Тиллаев, Ғуломжон Ҳожиқулов сингари машҳур бастакор ва созандалар шулар жумласидандир. Машҳур санъаткор Ҳалима Носирова «Тўхтасин Жалилов - барча санъаткорларнинг, созанда ва хонандаларнинг, бастакор дирижёрларнинг отахони, меҳрибони маслаҳатчиси эди» - деб эслайди.

Устознинг фарзандлари Холхўжа Тўхтасинов, Холида Жалилова, Салоҳиддин Тўхтасинов, Дехқон Жалиловлар ота изидан боришиб, ўзбек санъатига муносиб ҳисса қўшдилар.

Устоз Тўхтасин Жалиловнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган бўлиб «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига, ҳукуматнинг бир қанча мукофотларига, Президентимиз Ислон Каримовнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлди.

Унинг номига Андижон санъат билим юрти, кўчалар қўйилган бўлиб, устоз ҳаётининг давомийлигидан дарак беради ва халқ хотирасида сақланади.

**Юнус Ражабий.** Юнус Ражабий деганда ўзининг бутун салобати, ижоди, ўзидан қолдирган улкан мусиқа мероси билан, ўзбек миллий мусиқасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк санъаткор кўз ўнгимизда гавдаланади. Мусиқий маданиятимизда унинг алоҳида ўрни бўлиб, ўз ижодий ва илмий ишлари натижасида академик даражасига кўтарилган улуғ санъаткордир. Юнус Ражабий ўзининг ижодий фаолиятини ўзбек халқ ашула, кўшиқ, чолғу куйлари ва мақом йўлларини нотага ёзиб олишга бағишлади. Натижада тўққиз томлик «Ўзбек халқ музикаси» тўплами, «Шашмақом»нинг олти томлиги, «Мусиқий меросимизга бир назар» рисоласи чоп этилди. Юнус Ражабий 1897 йилда Тошкент шаҳрининг чақар маҳалласида таваллуд топди.



Дастлаб эски усул мактабида саводини чиқаргач, мусикага бўлган иштиёк уни шу йўлга бошлайди. Машҳур ҳофиз ва созанда Шораҳим Шоумаров унга биринчи устозлик қилади ва дутор чалиб кўшиқ айтиш йўлларини ўрганайди. 1919 йилда Тошкент халқ консерваторияси миллий чолғу асбоблари бўлимига ўқишга кириб, миллий созлар ижрочилига билан бир қаторда назарий дарсларни ҳам ўзлаштиради. Устози Шораҳим Шоумаров билан биргаликда биринчи мусикали сахна асари бўлган «Фарҳод ва Ширин» спектаклига мусика басталайди. 1923 йили Самарқандга бориб яшаб, дастлаб ўзбек педагогика билим юртига мусика раҳбари сўнгра 1925 йилда театрда ансамбл раҳбари бўлиб ишлайди. Машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов унинг Самарқанддаги ижодий фаолиятида муҳим рол ўйнади ва мақом йўллари янги талқинда ўзлаштириб бошлади ва ўзи ҳам куй, кўшиқлар ярата бошлайди. Юнус Ражабий 1927 йилда ташкил қилинган биринчи ўзбек радиоси миллий чолғу ансамблининг асосчиси ва мусика раҳбари бўлди. Унинг ташаббуси билан ўзбек миллий чолғу асбобларини такомиллаштириш ишлари бошланади ва натижада ўзбек халқ чолғу асбоблари товуш садоланишида, ташқи қиёфасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек радиоси қошида халқ миллий чолғу ансамбли заминида ўзбек халқ чолғу оркестри тузилди. Бу даргоҳда 50 йил ижодий меҳнат қилди. Кейинчалик 1960 йилда эса ҳозиргача ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттираётган мақом ансамблини тузди ва «Шашмақом»ни мушқилот ва наср бўлимларини магнит лентасига туширди. Бу мақом ансамбли ҳозиргача устознинг ижрочилик мактаби руҳида фаолиятини давом эттирмоқда.

Устоз Юнус Ражабий ижодининг солномасига назар ташласак, ижодий фаолияти давомида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Муқанна», «Ўғил уйлантириш», «Қасос» сингари 10 дан ортиқ мусикали драмалар, «Кошки», «Ўлмасин», «Не наво», «Қадах», «Пахта», «Фарғонача», «Ўйин баёти», «Куйгай» сингари 200 дан ортиқ куй ва кўшиқлар яратганлигини гувоҳи бўламиз. У композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда яратилган

«Ёлғиз ва ҳаммамиз» ва «Фарғонача» симфоник асарларининг ҳам муаллифидир. Унинг ҳофизлик ижрочилиги ҳам халқимиз томонидан жуда кадрланган ва «Ушшоқ», «Кошки», «Куйгай», «Баёт» ашулаларини бетакрор ижрочисидир. Устоз Юнус Ражабийнинг серқирра ижодий фаолияти республикамиз мусиқа маданиятининг янги руҳ билан шаклланиши ва тараққиёти борасида муҳим аҳамият касб этади. Устоз ўзидан юзлаб шогирдларни қолдирди. Толибжон Содиков, Дони Зокиров, Дадаали Соаткулов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Колонов, Ориф Қосимов, Фахриддин Содиков, Назира Ахмедова, Турғун Каримов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Маҳмуд Юнусов, Турғун Алиматов, Орифхожи Алимахсумов, Сирож Аминов, Исҳоқ Катаев, Эсон Лутфуллаев сингари машҳур ҳофиз ва созанда бастакорлар Юнус Ражабий ижрочилик мактабининг вакиллари дидир. Мақомдон хонандалар, халқ чолғу ва ашула ансамбллари, мусиқали драма театрлари артистлари унинг ажойиб дилрабо кўшиқ ва куйларини ижро этмоқдалар, асарларини сахналаштирмоқдалар. Унинг асарлари эфирда, зангори экранларда янграмоқда. Юнус Ражабий оилавий сулоласи ўзбек санъатининг ривожига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Устоз Юнус Ражабий бир қанча давлат мукофотлари, «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, вафотидан сўнг 2000 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. 1966 йилда Ўзбекистон фанлар академиясига аҳзо қилиб сайланган. Академик илмий унвонга эга. 1976 йил 23 апрел куни 79 ёшида вафот этган. Унинг хотираси абадийлаштирилиб, Тошкент шаҳридаги метро бекатларининг бирига, ўзи яшаган кўчага, республика радиоси мақом ансамблига, Жиззах вилоят театрига унинг номи берилган. Юнус Ражабий уй музейи ишлаб турибди. У ерда ҳар хил маданий тадбирлар ўтказилади.

**Исҳоқ Ражабов.** Ўзбек мусиқашунослик фани ўзининг тарихий илдизларига эга бўлиб, мусиқий санъат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келди. Барча даврларда бу соҳанинг улуғ алломалари етишиб чиқдилар. Ҳ0-аср ўрталарига келиб ушбу жараёнга кириб келган машҳур

Ражабийлар сулоласининг вакили Исҳоқ Рискиевич Ражабов муסיқашуносликда ўзига хос мактаб яратган ёрқин сиймодир. Улкан олимнинг илмий амалий фаолияти асосан мақомларни илмий таҳлил қилиш борасида бўлсада манбашунос, филолог, шарқшунос олим сифатида ҳам унинг ижодий-илмий йўналишларда умумийлик касб этади. Бунинг сабаби ўзи ўсган, яхни машҳур Ражабийлар сулоласининг оилавий муҳити бўлса, отаси моҳир танбурчи устоз Рисқи Ражабийнинг таъсирида танбур ва дутор созларининг моҳир ижрочисига айланади ва миллий муסיқамиз дурдоналарини илмий таҳлил қилишга умрини бахшида этади. Олимнинг форс-тожик тилини мукамал билиши, мумтоз шеҳриятнинг билимдони бўлганлиги, араб имлосида битилган тарихий манбааларга бой қўлёзмаларни эркин ўқиб шарҳлай олиши унинг ижодий илмий фаолиятини кенг доирада олиб боришини таҳминлади ва бу борада улкан ютуқларга эришди. Устознинг муסיқа маданиятимизнинг дурдонаси мақомат санъати бобида олиб борган изланишлари, унинг бу борада мукамал қомусий билимга эга эканлиги мутахассислар томонидан тан олинди.

Унинг изланишларини ёрқин ифодасига айланган 196қ-йилда нашр этилган «Мақомлар масаласига доир» номли монографик рисола диққатга сазовордир. Бу ноёб рисолада ўрта асрларга келиб ўн икки мақом аниқ ижро тизимига эга бўлганлиги, шу асосда шашмақом ўн икки мақом тизимининг ривожланиши жараёнида юзага келганлиги, ҳамда унинг парда-тузук, куй-оҳанг, зарб-усул, авж-номуд ва бошқа шаклий тузилиш қонуниятлари айнан ана шу яхлит тизимнинг таркибий қисмлари эканлиги узил-кесил равишда ўз ечимига келган. Шунингдек, мақомот тизимининг ажралмас шакллари бўлган Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг шашмақом билан ўзаро боғланиш муносабатлари хусусида ҳам малакали кўрсатмалар баён этилган. И.Р.Ражабов мақомларнинг амалий ижро санъатини пухта билгани ҳолда бу мураккаб санъатнинг тарихий ва назарий муаммоларини ўзида муштарак этган, илмий концепция тузишга муваффақ бўлган. Бу концепция 60-70

йилларда шўро мафкурасининг маданиятнинг синфийлиги ва Европа ценйризим ғояларига асосланган ҳолда, мақомлар хусусидаги «ўтмиш колдиқлари», «реакцион феодал санъати», «моҳиятини йўқотган зерикарли санъат» қабилидаги қарашларга қарши ўтқир тиф бўлган эди. Олимнинг «Мақомлар» номли йирик тадқиқоти қўлёзмасида мусиқанинг келиб чиқиши масаласида турли тахминларни баён этиб ўтаркан, шу фурсатда: «Шерозий ва Жомий» товушларни Аллоҳнинг инояти деб қарайдилар ва бу масалани баҳзан илоҳиятга боғлаб тушинтирадилар - деб изоҳ беради.

Санъатшунослик фанлари доктири И.Р.Ражабовнинг илмий-ижодий фаолияти ўзбек мусиқа фани ривожига жуда баракали таъсир кўрсатди, айниқса мақомларни тадқиқ этишда янги босқичда юксалди, мақомшунослик ва мусиқий манбашунослик фанларига асос солинди. Бу фанлар ўрта ва олий махсус илмгоҳларда талабаларга ўқитилмоқда. Бу борада устознинг шогирдлари бўлмиш Равшан Юнусов, Оқилхон Иброхимов сингари етук олимлар унинг илмий меросини тадқиқ этишда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга устоз И.Р. Ражабов эришган илмий натижалар устозона касбий мусиқа намуналарини ўзбек ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилишида, шунингдек 1992 йилдан буён республика миқёсида мунтазам ўтказиб келинаётган «Ражабийхонлик» илмий амалий анжуманларида алоҳида нуфузга эга бўлмоқда.

**Жўрахон Султонов.** Жўрахон Султонов, ҳофизлик ва бастакорлик санъатининг сарбонларидан бири, мафтункор овоз соҳиби, ижрочиликда ўзига хос мактаб яратган санъаткор кўз олдимизга келади.

Жўрахон Султонов 1897 йилда Марғилон шаҳрининг «Пошшо Искандар» маҳалласида таваллуд топди. Уни отаси Султонбой ҳожи табиатан дилкаш, шеҳрият ва мусиқадан хабардор одам эди. Онаси Саодатхон ая зиёли оиладан бўлиб, ўғли Жўрахонни меҳр билан тарбиялади. Ўша даврда Марғилондаги чойхоналар маданият, маҳрифат ўчоғи вазифасини ҳам бажарар эди. Султонбой ҳожи ўғли Жўрахонни чойхонага олиб келиб

Юсуфжон қизикқа шогирдликка топширади. Натижада Мадали ҳофиздан танбур чалиб ялла айтиш йўлларини, Болта ҳофиз билан Маматбобо ҳофиздан патнисака ашула йўлларини ўргана бошлади. «Шафоат», «Даргоҳингга келибман», «Хайрул башар», «Шояд», «Ёввойи чоргоҳ» сингари патнисака ашулаларни бирга ижро эта бошлади. (Бу ерда шуни айтиш жоизки, Жўрахон Султонов устози Маматбобо ҳофиз билан, ашулачиликда ёввойи йўлларни кашф этган ҳофиздир. Яна улар жўровоз бўлиб айтиш услубини яратишди). 1918 йилда «Санойи нафиса» тузилиб унинг ҳақиқий ижодий фаолияти бошланади. 1916 йилда Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигида ўзбек давлат этнографик ансамбли ташкил этилди ва қатор номдор санъаткорлар қатори Жўрахон Султонов ҳам таклиф қилинади. 1928 йилда эса Марғилонда ташкил этилган мусикали драма театрига директор этиб тайинланди. Маҳмуржон Узоқов, Бобораҳим Мирзаев, Зокиржон Эргашев сингари ёш санъаткорларга устозлик қилди. Шогирди Маҳмуржон Узоқов билан жўровозликда ижод қилдилар ва бу ҳамкорлик 40 йил давом этди.

Жўрахон Султонов 1932 йилда Тошкентга кўчиб келиб ўзбек мусикали театрида кейинчилик республика радиосида ишлайди. 1937 йилда Москвада ўтган ўзбек декадаси, кейинчалик катта Фарғона канали қурилиши ҳофизга чинакам шуҳрат келтирди. «Эй нозанин», «Бу гулшан», «Офарин», «Минг қадам» сингари кўшиқлар ўша даврнинг маҳсулидир. 1939 йилда кўплаб санъаткорлар қатори Жўрахон Султоновга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвони берилади. Уруш йилларида ижод қилган «Найлайин», «Отга миндим» кўшиқлари «Ватан ўғлонлари» ва «Фронтга совға» филмларида ўз аксини топган. Урушдан сўнг аввал эстрада театрида, кейинчалик 1958 йилгача Республика радиосида яққалон ашулачи бўлиб ишлади. Ўша даврларда унинг дастуридан «Чор зарб», «Чаман ялла», «Оҳким», «Сайри гулзор», «Беш парда сувора», «Содирхон ушшоқи», «Савти сувора», «Гулузорим қани», «Хануз», «Бўлмиш», «Патнисаки чоргоҳ», «Эй дилбари жаноним», «Бормикан», «Боғаро», «Ситора» сингари асосан ўзи басталаган

машхур ашулалар ўрин олган эди. Жўрахон Султонов жуда кўп шогирдлар етиштирди. Барча санъаткорлар уни эҳозлаб «Уста» деб аташарди.

Давраларда ўзининг билимдонлиги, зукколиги, сўзга чечанлиги, ширин аскиялари билан ҳаммани ўзига жалб қила оларди. Жўрахон Султонов оғир касалликдан сўнг 1965 йил 19 октябрда Марғилон шаҳрида вафот этди. Тахзияга шунчалик кўп халқ тўпландики, тахзияни етти жойда ўқишга тўғри келди. Ҳофизнинг ўзлари васият қилган Машад қабристонида дафн қилдилар.

Устознинг номларига ўзлари яшаган кўча, мусиқа мактаби, қўйилган. Марғилон шаҳрида ёш хонандаларнинг Жўрахон Султонов, Маҳмуржон Узоқов номидаги Республика кўрик танлови ўтказиб турилади. 2001 йилда Президентимизнинг фармони билан устозга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Бу ишларнинг барчаси халқимизнинг улуғ санъаткорига бўлган эҳтироми ва ҳурматидан далолатдир

**Маҳмуржон Узоқов.** Марғилоннинг машхур Машад маҳалласида Маҳмуржон Узоқов бўзчи Узоқжон ака хонадонида таваллуд топди. Узоқжон ака санъатга жуда ишқибоз бўлиб, тез-тез кўшни «Чорчинор» маҳалласи гузаридаги чойхонада бўладиган санъаткорларнинг йиғинларига ёш ўғли Маҳмуржонни ҳам бирга олиб борарди. Шу тариқа унинг ёш қалбида кўшиққа, санъатга меҳр уйғона бошлади. Онаси Зебуниса опа ҳам доира чалиб, халқ ялла ва лапарларини моҳирлик билан ижро этар эди. Тезда устозлар назарига тушади ва Ҳасан қоридан дутор чалишни, Худойберган ҳофиздан кўшиқ айтишни ўргана бошлайди. 1928 йилда Марғилонда ўзбек мусиқали театри ташкил этилади ва Жўрахон Султонов уни ишга таклиф қилади. Маҳмуржон Узоқовнинг кейинги ўттиз йиллик ижодий фаолияти шу улуғ санъаткор билан боғланиб қолди. Жўрахон ака танбурда, Маҳмуржон ака дуторда жўровоз бўлиб кўшиқ айта бошлайдилар. Улар ҳамнафасликда кўшиқ айтишиб жуда катта доврўғ қозонадилар. 19қғ йилда Жўрахон Султонов билан бирга Тошкентга келди ва шу ерда яшай бошлади. 1939 йили халқ ҳашарига айланган катта Фарғона канали қурилиши санъаткорларнинг ҳам ўзаро беллашувига айланиб кетди. Хужжатли киноленталарда

мухрланган тасвирларда Жўраҳон Султонов билан бирга ижро этган қатор кўшиқларини кўриш мумкин. Шу йили кўп ҳофизлар қатори Маҳмуржон Узоқовга ҳам «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвони берилди. Сўнгра Муқимий театрига таклиф қилинди ва кўшиқ айтиш билан бирга «Тоҳир ва Зухра» да жарчи, кейинчалик эса Тоҳир ролини ижро этди.

Маҳмуржон Узоқовнинг урушдан кейинги ижодий фаолияти ўзбек эстрадаси ва Республика радиоси билан боғланиб қолди. Машҳур созанда ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаев Маҳмуржон аканинг ижодида ҳофизлик кирраларининг янгича шаклланишида катта таъсир кўрсатди. Ижодий ҳамкорлик натижасида «Суратинг», «Кўзларинг», «Эй чехраси тобоним», «Йўлингда», «Ёр истаб», «Мустаҳзод», «Айрулмасин», «Фигонким», «Шўҳи паривашга», «Намоён қил», «Якка бу Фарғонада», «Ёлғиз», «Насихат», «Эй сабо», «Жоним менинг», «Бир келиб кетсун», «Жонон бўламан деб», сингари кўшиқ ва яллалар дунёга келди. Бу кўшиқларни ҳофиз жон дилидан куйлар, бу кўшиқлар фақат унинг довудий овози учун яратилгандай эди. 50-60 йиллар орасида Маҳмуржон Узоқов кўшиқчилик оламида янги саҳифа очди ва ўзбек кўшиқчилиги санъатининг ҳақиқий юлдузига айланди. 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида жўшиб кўшиқ куйлаган Маҳмуржон аканинг довудий овозидан таъсирланган Москвалик таниқли мусиқашунос профессорлардан бири концертдан кейин ҳофизнинг ҳузурига келиб, «Устозингиз ким?» деб сўрайди. «Устозим Жўраҳон ака!» деган жавобни эшитган профессор ҳайратланиб, «Италия кўшиқчилиги мактабини битирган бўлсангиз керак, деб ўйлабман» деган жавобни берган экан.

Маҳмуржон Узоқовнинг вафоти ҳақидаги шов-шувлар ҳозиргача қалбларни ларзага солиб келади. 1963 йил ғқ июл куни Марғилон боғида, дўстлари, шогирдлари, шинавандалари даврасида кўшиқ куйлаб турганида унинг ҳаёти мангуликка юз тутди. Машад қабристонидан шогирдининг қабрига тупроқ тортаётган устози Жўраҳон Султонов бироз тўхтаб, «Маҳмуржон ўлим мени навбатим эди, афсус сен эрта кетдинг. Мен сендан

мингдан-минг розиман, мендан ҳам рози бўлгин», деб фарёд чекканида маросимга йиғилган бутун халқ уввос солиб йиғлаб юборди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Махмуржон Узоқовнинг муборак номи халқнинг қалбидан бир умрга жой олган. Унинг номи абадийлаштирилиб ўзи яшаган кўчага, маҳалла, мусиқа мактабига берилган. Ҳар икки йилда Марғилон шаҳрида Махмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов номидаги Республика ёш хонандалар кўрик танлови ўтказиб турилади. Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши буюк ҳофиз умрининг давоми бўлиб, муборак нафасининг сўнмаслигидан далолатдир.

**Фаттоҳхон Мамадалиев.** Фаттоҳхон Мамадалиев деганда анъанавий ижрочилик бўстониининг нодир овоз соҳиби, эл суйган санъаткор, кўшиқчилик оламида ўзига хос услуб ва ижрочилик йўлини яратган манзур нафас ҳофиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Устоз овозидаги маҳзунлик, сержило нолалар, садоланиш хусусиятлари эшитувчини бефарқ қолдирмайди.

Фаттоҳхон Мамадалиев 1923 йилда Андижон вилояти Балиқчи тумани эски Халқулобод қишлоғида туғилди. Ёшлиқдан кўшиққа, санъатга бўлган ҳавас билан устозлар назарига тушди ва скрипка чалиб кўшиқ айтишни ўргана бошлади. Унинг қобилиятини сеза билган таниқли ҳофиз ва созанда Умрзоқ полвон Сайдалиев ўзига шогирдликка олади ва унинг доврўғи секин-аста Халқулобод атрофларига ёйила бошлайди. Ҳақиқий ҳофизлик даври эса Андижон шаҳрига келиб, муқим яшаб ва ижод қилган даврдан бошланади. Андижон шаҳар маданият уйи қошидаги мақом ансамблида қатнашчи ва кейинчалик узоқ йиллар бадий раҳбар бўлиб ишлади. Ҳамнафас дўсти Йўлдошали Кийиков билан қатор кўшиқлар мажмуасини яратди. Улар ҳамнафасликда ижро этган ашулалар республика радиосида ёзиб олинган.

Фаттоҳхон Мамадалиевнинг Тошкентга келиб яшаши унинг ижодида муҳим бурилиш ясади. Янги-янги кўшиқлар дунёга келди. Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг илмий ижрочилик таҳлилини тузиб чиқди ва



шогирдларига ўргатди. Унинг республика телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамблидаги фаолияти, давлат филармониясидаги ва Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасидаги илмий педагогик фаолияти билан уйғунлашган ҳолда ижобий натижалар берди.

Фаттоҳхон Мамадалиевнинг яна бир катта хизмати шундаки, халқимиз санъатининг нодир дурдоналаридан бўлмиш қатор ижрочилик йўлларини қайтадан таҳлил қилиб тиклади. Жумладан, «Насруллои» мусиқа йўлларига сўз солиб, унинг талқинчасини, уфорисини, соқиномасини яратди.

«Мискин»нинг бешта йўлини, «Чоргоҳ»нинг бешта йўлини, «Умрзоқполвон ушшоқи»нинг соқиномаларини қўшиб ушшоқларнинг қадимий ижроларини тиклади. «Бузрук»нинг сурнай йўлларини талқин қилди. Изланишлар натижасида туркум сифатида «Савти Фаттоҳхон» деб ижрочиларимиз ва олимларимиз томонидан тан олинди. Мусиқашунос олим Равшан Юнусов билан ҳамкорлик натижасида юқорида номлари тилга олинган ижро йўлларини илмий таҳлил қилди ва «Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари» рисоласи чоп этилди. Устоз Юнус Ражабий улгурмаган кўп ишларни амалга оширди. Энг асосийси, шу барча изланишлар натижасини шогирдларига сабот билан ўргатди ва магнит лентасига муҳрлади.

Фаттоҳхон Мамадалиев ижро этган «Этмасмидим», «Жононим менинг», «Интизор», «Кўнгил», «Оқибат», «Кокилинг», «Дилкушо», «Қаландар-I», «Мўғилчаи қашқарчаи ушшоқ», «Гиря», «Эй сабо» сингари ашулалар алоҳида сайқал берилиб ижро этилганлиги билан шинавандаларнинг қалбидан жой олди. У ижро этган «Дарду дилим» қўшиғи Мўғулистон республикасида бўлиб ўтган «Осиё мусиқаси минбари» илмий анжумани фестивал танловида фахрли ўрин эгаллади.

Фаттоҳхон Мамадалиев ўзининг оҳанграбо овози билан ўнлаб хорижий давлатлар қўшиқсеварларини ҳам ўзига ром этди. Муборак ҳаж сафариди бўлди. Ижодининг яна бир ёрқин қирраси, шеҳрият билан ошно бўлди.

Яхшигина ғазаллар ёзиб, ўзи куйлар басталарди. У Ўзбекистон бастакорлари уюшмасининг аҳзоси эди.

Унинг хизматлари айниқса мустақиллик йилларида ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонлари, «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари, Тошкент давлат консерваториясининг профессори деб тан олиниси устоз хизматларининг ҳақиқий баҳосидир.

Беназир овоз соҳиби Фаттоҳхон Мамадалиев оғир хасталикдан сўнг 1999 йил 4 апрел куни бу ёруғ оламдан кўз юмди ва ўзи туғилган жонажон қишлоғига дафн қилинди.

**Таваккал Қодиров.** Таваккал Қодиров деганда, бутун умрини халқ хизматиға бағишлаган, миллионлаб қўшиқ шинавандаларининг қалбларига қувонч олиб кирган, такрорланмас овоз соҳиби, камтар инсон кўз олдимизга келади. Таваккал Қодиров 1926 йил 10 июнда Қува туманининг Султонобод қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Улуғ инсонларнинг туғилиши ҳам ўзига хос тарихий бўлар экан.

Ҳофизнинг оналари Тўтибуви саккиз фарзанд кўриб, биронтаси ҳам турмаганлиги сабабли, тўққизинчи фарзандини удумга кўра ховлида, ер бағрида туғиб, «Таваккал ё ерники бўлар, ё меники» деган умидда фарзандининг исмини «Таваккал» деб қўйган эканлар. Шундай тафсилотлар билан туғилган бола улуғ ҳофиз даражасига етди. Таваккал ака сермашаққат ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Дастлабки муסיқий сабоқни қувалик устозлари Ғофиржон ғижжакчи ва Давронбек ҳофизлардан олади.

Ҳофизнинг қўшиқчилик оламиға назар ташласак, ў0-йилларда янги овоз, янги соз билан бу нурли оламға кириб келганини кўраимиз. Анъанавий қўшиқчилигимизни бир дарё деб фараз қилсак, ҳофиз ўз услуби, овози билан бу дарёнинг катта ирмоғи бўлиб ажраб чиқди. Жўрахон Султонов, Маҳмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари улуғ ҳофизлар яратиб кетган мактабнинг давомчиси сифатида ўзига хос услуб яратди. Ҳофиз

ижоди давомида юзлаб кўшиқлар ижро этди. Қатор халқ кўшиқ ва яллаларини алоҳида услуб билан ижро этиб, уларга иккинчи умр бахш этди. У ижро этган «Бизни ташлаб», «Шунчамиди», «Ўхшайдику», «Кеча ойдин», «Тошкент ироқи», «Сувора», «Найларам», «Кўқон ушшоқи», «Фарғона тонг отгунча», «Тановар», «Сайёра», «Ўзбекистоним», «Жоним Фарғона», «Феруз I-II» сингари кўшиқлар унутилмас ижролардир.

Ушбу сатрлар муаллифига Таваккал Кодировга шогирд бўлиб юриш, хизматини қилиш, устозга бағишлаб ҳаётлигида «Таваккал Кодиров» номли рисола ёзиш насиб этди. Устоз кўшиқ куйлаганда, ҳар-бир ижро этган кўшиғи гўё ўзи учун яратгандай туюларди. Биз бир кўшиқни ҳар куни уч-тўрт марта эшитсак ҳам, доим ўзининг янги бир қирраси билан намоён бўлаверар эди.

Ҳофиз ижодида икки воҳа йўли, Фарғона ва Хоразм кўшиқчилиқ мактабининг уйғунлашган ижроларини кузатамиз. Бунинг сабаби, устозлари Жўраҳон Султонов ва Комилжон Отаниёзовларнинг ижодларидан самарали фойдаланганлигидандир. Иккала буюқ ҳофиз севимли шогирдига «Феруз» ҳамда «Кўқон ушшоқи» ни айтдириб, завқланиб шинавандалиқ билан эшитишиб ўтирганларининг гувоҳи бўлганман.

Таваккал Кодиров узоқ йиллар Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма театрида меҳнат қилди. 1978 йилда вилоят филармониясини ташкил этиб, бир неча йил раҳбар бўлиб ишлади. Ҳофиз ижодини ёритувчи қатор телефилмлар, видеофилмлар, грампластинка ёзувлари, республика радиосида элликдан ортиқ кўшиқлари мавжуд бўлиб, унинг ижоди баракали, сермахсул бўлганлигидан далолат беради. Устозга 1964 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1989 йилда эса «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонларнинг берилиши, Фарғона давлат университетининг профессори деб тан олинishi ўзбек санъати олдидаги хизматларининг далолатидир. Устоз етмиш йил умр кўриб, умрларининг сўнгги кунларида ҳам ажойиб бир покизалиқ, руҳан тетиклик билан 1996 йил 12 апрел куни вафот этди. Фарғона шаҳар Сирпўш ота қабристонига дафн қилинган.

Ҳа, инсон умрининг сарҳадлари бепоён, айниқса қўшиқ оламининг бепоён кенгликларида санъаткор қалбининг торлари жаранглаб акс-садо бериб турувчи ҳилқатдир. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф (оллох раҳмат қилсин) устозга атаб ёзган шеҳридаги қуйидаги мисралар фикримизнинг далилидир:

Мен кетарман қолмагай тилла тахту кўшқларим  
Менга бу дунёда чин келтирди бахт кўшиқларим  
Ўзбегим уйида янграр ҳамма вақт хонишларим  
Гул ўпиб, гул ёпиниб ҳар дилда мазорим қолур  
Мен кетарман бир куни наволарим, зорим қолур.

Ушбу мисралар Таваккал Қодировнинг қабр тошига ёзилган.

**БОТИР ЗОКИРОВ.** Ўзбек профессионал эстрада санъати асосчиларидан бири, дунё тан олган эстрада юлдузи Ботир Зокиров Тошкент шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Карим Зокиров ўзбек опера санъатининг сарбонларидан бири, онаси Ш. Саидова ўзбек халқ кўшиқлари, лапарлари ва яллаларининг ажойиб ижрочиси эди. Умуман Зокировлар оиласи ўзбек халқининг муסיқа маданиятига салмоқли ҳисса кўшган сулола саналади. Ботир Зокировнинг болалиги, ёшлиги, санъат муҳитида тарбияланади. Унинг хотираси ва эшитиш қобилияти жуда кучли эди. Расм чизишга, шеҳр ёзишга ишқибоз эди. Санъатда биринчи устозлари отаси Каримжон ака, онаси Шоҳиста опа бўлдилар. У ёшлиқдан кўшиқни дилдан севиб қуйлашни одат қилди. Унинг биринчи кўшиғи «Қайдасан, сени кутаман» деб аталган ва ўн тўрт ёшида «Мажнун» деб номланган картинани чизди. 19ўғ йили Тошкент давлат консерваториясининг вокал факулхтетига ўқишга кирди. Ўша даврда эстрада санъатида қалдирғоч саналган. «Ёшлик» эстрада ансамблига қатнай бошлади. 1968 йилда шу ансамбл базасида Ўзбекистон Давлат эстрада оркестри тузилди. Оркестрни тузишда Ботир Зокиров жонбозлик кўрсатди. Синглиси Луиза Зокирова билан ушбу ансамблда ишлай бошлади. Оркестр Ботир Зокировнинг ижодий йўлини

катҳий белгилаб берди. 1967 йилда Москвада ўтказилган ўзбек декадасида машҳур араб композитори Дориш Ал-Аттошнинг «Араб тангоси» кўшиғи биринчи марта янгради ва чакмоқ каби Ботир Зокиров номини кўшиқсеварлар қалбига олиб кирди. Бу кутилмаган омад, шуҳрат ва келажакка ишонч эди. Бу кўшиқ хонанда дастурининг муқаддимаси бўлиб қолди ва минглаб нусхада пластинкалар чоп этилди. 1969 йилда «Гуллар очилганда» бадий филмида қахрамонлардан бирини образини яратади ва кўшиқ ижро этади. 1963 йилда эса «Сени изларинг» бадий филмида шоир Туроб Тўла ва композитор Икром Акбаровнинг «Газли кўшиғи» янгради. Кейинчалик Икром Акбаров билан ҳамкорликда «Қаро кўзлимиз», «Ёр кел», «Эй сарбон», «Сени йўқлаб» сингари машҳур кўшиқлар дунёга келди. Ботир Зокировни айниқса, Москвалик томошабинлар интиқлик билан кутишарди. Машҳур концерт залларида чипталар ойнаб олдиндан сотилиб бўларди. 1966 йили Москва «Мюзик - холл»и билан Парижга қилган ижодий сафари хонандага чинакамига жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Жаҳонга машҳур Олимпия эстрада театри сахнасида 20 кун давомида концертларда қатнашди. Ўзи севиб ижро этган кўшиқлари қаторида «Дўст ҳақида кўшиқ», «Ўлкам қизи», «Мени ташлаб кетма» сингари французча кўшиқлар ҳам бор эди. Айниқса, «Маро бебус» кўшиғини томошабинлар қайталаб айтдиришди. Гастролнинг сўнги кунларида концертларнинг иккинчи бўлимида фақат ўзи куйлади. Ўша пайтда Париж газеталари Ботир Зокировни жаҳоннинг машҳур кўшиқчиси Шарлр Азнаур билан тенглаштириб ёзишди. Орадан йигирма йил ўтиб, ўзбекистонлик таниқли адиблардан бири Франциядаги сафари чоғидаги бўлган учрашувда: «Ўзбеклардан кимларни биласизлар-деб сўраганида, «Шоир Алишер Навоийни, хонанда Ботир Зокировни», деб жавоб беришган экан. Ботир Зокиров турли тилларда кўшиқ куйларди. У бошқа халқлар кўшиқларини куйлашдан олдин ўша халқнинг тарихи, турмуши, маданияти ва санъатига оид ҳар хил адабиётларни ўқиб, ўрганарди. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий тилларда айтган кўшиқлари унга катта шуҳрат олиб келди. Уни ҳиндлар - «ҳинд», руслар - «рус», араблар - «араб», французлар -

«француз», деб аташарди. Ваҳоланки, у ўзбек хонандаси эди. 1972 йилда Ўрта Осиёда биринчи ва собиқ иттифокда учинчи бўлган «Мюзик-холл» гуруҳини тузди. «Мюзик-холл» - бу эстрадининг энг юксак чўққиси ҳисобланади. «Синдбод саёҳати», «Шарқ бозори», «Шарқ эртаги» «Тошкент тўйи» деб номланган дастурлари билан республикамизнинг турли шаҳарларида, Москвадаги «Россия» Ленинграддаги «Октябрь» концерт залларида ойлаб концертлар берилган. Ботир Зокиров жаҳоннинг машҳур ижодкорлари Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Нозим Ҳикмат, Юрий Силантев, Иосиф Кобзон, Михаил Улянов, Сергей Образцов, Тамарахоним сингари ёзувчи ва санъаткорлар билан мустаҳкам дўстлик ва ижодий алоқалар боғлаган эди. Жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Гагарин 1963 йил 31 декабр куни «Голубой Огонёк» янги йил базмида, дикторнинг «Энг севимли хонандангиз ким?» деган саволига: «Менинг яхши кўрган кўшиқчим Ботир Зокиров», деб жавоб берган эди. Фазогир Тошкентга келганида Ботир Зокировни кўриш истагини билдиради ва у гастролда бўлганлиги сабабли, уйига келиб онаси Шоҳиста опани кўриб кетади. Ботир Зокиров сеҳрли мўйқалам соҳиби сифатида ўзидан кўплаб бетакрор асарлар қолдирди. «Мажнун», «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон», «Москва манзаралари», «Қрим манзаралари», «Ёлғизлик», «Кўча», «Анор пишганда» сингари асарлари шулар жумласидандир. Ҳикоянавис ёзувчи сифатида «Она», «Мўйсафит», «Паҳлавон», «Етакчи», «Табассум» ҳикоялари «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларида чоп этилди.

Шу йўлда тинимсиз изланар эди. Умрининг охириги йилларида укаси Ф.Зокиров раҳбар бўлган машҳур «Ялла» ансамбли билан биргаликда ижод қилди. У сахнага қандай ёниб чиққан бўлса, умрини охиригача шундай ёниб куйлади. Ҳамиша ҳар қандай вазиятда иймониға, эҳтиқодига, ўзлигига содиқ қолди. Бу буюк санъаткор ўзбек эстрадасига асос солди. Ёшлиқдан чирмаб олган сурункали касаллик натижасида умри давомида олти марта жарроҳлик столиға ётди ва 49 ёшида оламдан ўтди. Унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилган, вафотидан сўнг президентимиз фармони билан

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган. Унинг номида хар йили ёш эстрада хонандаларининг кўрик танлови ўтказилиб турилади.

## ХУЛОСА

Муסיқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган санъат туридир. Муסיқа тарбияси, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва кадрлашга ўргатади. Муסיқа инсонни юксак дид билан қуроллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. Муסיқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва ғоявий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Миллий маданиятимиз бобокалони Абу-Носир ал-Фаробий “Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир”, деган эди. Бобомиз Шайх Саъдий: “Муסיқа одам руҳининг йўлдошидир” деб айтган. Муסיқа инсонга тез таъсир этувчи эмоционал ҳиссиётни ривожлантирувчи воситадир. Инсон она алласи орқали муסיқа билан танишиб, умрбод муסיқадан завқ топади, мадад олади. Муסיқа инсон руҳиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Муסיқадан турли озуқа олиш учун инсон юксак маданиятли, соф қалб эгаси, гўзалликни ҳис эта оладиган, ўз касбига, она ватанига меҳр қўйган бўлиши керак. Шу боис ўқувчиларда инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган муסיқа маданиятини тарбиялаш, миллий куй-қўшиқларимизни ўргатиш муסיқа тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради.

“Тановар”, “Эй нозанин”, Ойдек тўлибдур”, Фарғона”, “Ул париваш” сингари халқ ашулалари нафақат ҳофизу ашулачилар, балки зиёлилар, хунармандлар, косиблар ва бошқа касб эгалари томонидан ҳам ижро этиб келинади. Шунингдек, бу турдаги ашулаплар хотин-қизлар томонидан ҳам ичкарида куйланган. Жумладан, “Чаман ичра”, “Тановар”нинг “Қора сочим” каби ашула йўллари дутор жўрлигида хотин-қизлар томонидан ижро этилиб

келинмоқда. Айни вақтда “Нигорим”, “Тандир”, “НИсор”, “Белбоқча”, “Фигон”, “Чаман ялла” сингари ашулаларни асосан касбий мусиқачилар бўлган ҳофиз-ашулачилар куйлашади. Бунда танбур, дутор жўровозлиги кўп қўлланилади. Ашулалар анъанага кўра турли йиғин ва мажлисларда, тўй маросимлари ва бошқа халқ тантаналарида ижро этилган. Чойхоналарда эса ашулачиларнинг ижодий мусобақалари ҳам ўтказиб турилган.

Фарғона Тошкент йўллари ҳали тўла қонли истеъмолда бўлиб, доимий ижро этилиб юрганда Фарғона водийсидан чиққан Ахмаджон Умрзоқов, Ашурали Одилов, Абдуқодир Исмоилов, Уста Рўзматхон Исабоев, Муҳиддин Ҳожи, Ҳайит Охун, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султоновлар шуҳрат қозонган. Тошкент ва унинг атрофларида етишган Султонхон танбурчи, Мулла Тўйчи, Шораҳим Шоумаров, Бобоҳон ва Акмалхон Сўпихонов бу мактабнинг энг кўзга кўринган вакиллари бўлиб ҳисобланганлар. Кейинчалик Тошкент мақом мактаби намояндалари сифатида ака-ука Шоакбар, Шоолим Шожалоловлар фаолият кўрсатдилар. Сўпихоновлар ва Шожалиловларнинг фарзандлари бугунги кунда мумтоз анъаналарнинг давомчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда ушбу битирув малакавий ишда Ўзбекистонда хонандалик санъатининг келиб чиқиш тарихи, Марказий Осиёда хонандалик ва бастакорлик санъати тарихи, Ўзбекистондаги ҳудудий хонандалик мактаблари ва хонандалик услубларини ўрганишнинг аҳамияти, миллий хонандалик санъати ривожланишида Тошкент-Фарғона кўшиқчилик услубларини ўрганишнинг аҳамияти, Тошкент-Фарғона хонандалик услубларни, Тошкент-Фарғона хонандалик услуби намояндалари ижодий фаолиятларининг аҳамияти каби мавзулар батафсил баён этилди.



### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. И. А. Каримов “Юкасақ маънавият-енгилмас куч”  
Тошкент. Маънавият. 2008 йил.
2. И. А. Каримов “Баркамол авлод орзуси”  
Тошкент. ЎзМЭДИН. 2000 йил.
3. Ҳ. Нурматов, Н. Йўлдошева “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”  
Тошкент. Ғ. Ғулом. 2007 йил.
4. Ў. Тошматов “Чолғушунослик”  
Тошкент. Истикбол. 2004 йил.
5. А. Ҳасанов “Мусиқа ва тарбия”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1993 йил.
6. С. Йўлдошева “Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг  
ривожланиши. Тошкент. Ўқитувчи. 1985 йил.
7. А. Ҳамидов “Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилиги хрестоматияси”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1996 йил.
8. Ҳ. Ҳамидов “Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1996 йил.
9. Р. Турсунов, С. Маннопов “Анъанавий кўшиқ ижрочилиги услубияти”  
Тошкент. Ижод дунёси. 2003 йил.
10. А. Одилов “Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи”.  
Тошкент. Ўқитувчи. 1995 йил.
11. О. Матёқубов “Мақомот”.  
Тошкент. Мусиқа. 2004 йил.
12. И. Ражабов “Мақомлар масаласига доир”  
Тошкент. Бад. Адабиёт. 1963 йил.
13. Ҳ. Ғафуров “Халқ ўйинлари, кўшиқлар ва анъаналарига бир назар”

Тошкент. Камаклак. 1992 йил.

14. О.Файзиев “Ўзбекистон мактабларида мусикий-нафосат тарбиясини ташкил этиш бўйича методик қўлланма”

Тошкент. Истиқбол. 1992 йил.

15. Р. Турсунов “Халқ мусиқа ижодиёти ва адабиёти”

Тошкент. Маърифат-мадаккор. 2002 йил.

16. З. Назаров “Анъанавий ансамбл”

Тошкент. УМИХТМ. 2005 йил.

17. Р. Турсунов “Ашула ва ракс ансамбли билан ишлаш”

Тошкент. Ғ. Ғулом. 2002 йил.

18. Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов “Ўзбек халқ поэтик ижоди”

Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.

19. Ф. Кароматов “Ўзбек халқ мусиқа мероси”

Тошкент. Ғ. Ғулом. 1985 йил.

20. С. Йўлдошева “Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. Тошкент. Ўқитувчи. 1985 йил.

21. А. Ҳакимова “Хорлар ва а-капелла”

Тошкент. Ўқитувчи. 1992 йил.

22. Ҳ. Нурматов “Ўзбек халқ мусиқаси”

Тошкент. Ўқитувчи. 1994 йил.

23. Д. Камолова, М. Хўжаева “Ўзбек халқ куйлари”

Тошкент. Ўқитувчи. 1994 йил.

24. Ф. Абдурахимова “Ўзбекистонда мусиқа ижрочилиги”

Тошкент. Ўқитувчи. 1985 йил.

25. А. Петросянц “Чолғушунослик”

Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.

26. М. Ашрафий “Мусиқа менинг ҳаётимда”

Тошкент. Ўқитувчи. 1975 йил.

27. А. Матёкубов “Фаробий Шарқ мусиқаси асослари ҳақида”

Тошкент. Ўқитувчи. 1986 йил.

28. Ю. Ражабий “Муסיқа меросимизга бир назар”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1978 йил.
29. М. Юсупов “Хоразм мақомлари”  
Тошкент. Ғ. Ғулом. 1980 йил.
30. Ҳ. Ҳамидов “Муסיқа кўшиқчилигимиз тарихи”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1995 йил.
31. Т. Жалилов “Кўшиқлар гулдастаси”  
Тошкент. Ғ. Ғулом. 1989 йил.
32. А. Ҳамидов “Ўзбек анъанавий муסיқа ижрочилиги хрестоматияси”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1996 йил.
33. Ҳ. Ҳамидов “Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи”  
Тошкент. Ўқитувчи. 1996 йил.
34. С. Маннопов “Сўнмас наволар”  
Фарғона нашриёти. 2003 йил.
35. Р. Турсунов, С. Маннопов “Анъанавий кўшиқчилик услубияти”  
Тошкент. Ижод дунёси. 2003 йил.
36. С. Абдуллаев “Ўзбек мумтоз муסיқаси”  
Тошкент Янги нашр. 2007 йил.
37. Н. Қосимов “Муסיқа фольклор ижрочилиги”  
Тошкент. Ғ. Ғулом. 2003 йил.
37. О. Ҳайитова “Хоразм кўшиқчилик санъати дурдоналари”  
Тошкент. Ношир. 2009 йил.
38. О. Назарова “Эл севган санъаткорлар”  
Тошкент. Ўзбекистон. 2008 йил.
39. Р. Жуманиёзов “Комилжон Отаниёзов замондошлари хотирасида”  
Тошкент. Ғ. Ғулом. 1998 йил

